Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 243 (20. 810) • 1990 йил 24 октябрь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллигига

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги!

2. Ўртоқлар! Октябрь идеалларига содиқ бўлайлик, Ленининг номи ва ишини ҳимоя қилайлик!

3. Коммунистлар! Партиянинг чинакам янгиланиши учун, инсонпарвар, демократик социализм учун курашингиз!

4. Ўртоқлар! Ҳуқуқий давлат, иқтисодий тараққиёт, маънавий уйғониш — сиёсатимизнинг асосий мақсадидир!

5. Кўпмиллатли Ватанимизнинг фуқаролари! ССЖИнинг истиқболи — мустақил жумҳуриятлар бирлигидадир! Янги Иттифоқ шартномасини қўллаб-қувватлайлик!

6. Совет Иттифоқининг ишчилари ва деҳқонлари, меҳнаткашлари! Виждонан қилинган меҳнат ва уюшқоқлик— туб иқтисодий ислоҳот муваффақиятининг гаровидир! Қайта қуришнинг ҳал қилувчи одими — халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини қўллаб-қувватлайлик!

7. Меҳнат кишилари манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолат — иқтисодий янгиланишнинг зарур шартларидир!

8. Ватандошлар! Фуқароларнинг тотувлиги — келажакка олиб борадиган ягона йўлдир! Миллатчилик ва айирмачиликка йўл қўймайлик!

9. Халқ депутатлари — коммунистлар! Сайловчиларнинг юксак ишончини ёдда тутинг, Совет ҳокимиятини мустаҳкамланг! Ўзингизнинг Советлардаги ташаббусингиз, амалий ва самарали ишларингизни халқ фаровонлигига йўналтирингиз!

10. Фан ва маданият арбоблари! Ижодий меҳнатингиз билан мамлакат тараққиётига кўмаклашингиз, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларини қарор топтирингиз! Маданиятни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берайлик!

11. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимизда тинчлик бўлишига, жамиятимиз турмушини маънавий соғломлаштиришга фаол кўмаклашингиз!

12. Йигит ва қизлар! ССЖИ фуқароси номини шараф билан оқлангиз! Ёшларнинг ақл-идроки ва куч-ғайрати — қайта қуриш ишига сафарбар қилинсин!

13. Комсомоллар! Октябрь ғояларига садоқатли бўлингиз, ҳаётда инсонпарвар умуминсоний қадриятларни қарор топтирингиз!

14. Совет жангчилари! Уюшқоқлик ва интизомни, дўстлик ва жанговар ўртоқликни мустаҳкамлангиз, халқнинг бунёдкор меҳнатини қўриқлангиз!

15. Ватанимизни бунёд этган меҳнаткашларнинг авлодлари ва уни ҳимоя қилган жангчиларга шон-шарафлар ва таъзим бўлсин!

16. Социалистик ғояларнинг тарафдорлари бўлган коммунистларга, сайёрамиздаги барча тараққийпарвар кучларга қардошлик саломи!

17. Жаҳон аҳли! Умуминсоний, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

• *Пахтанома*

МАРРАГА ЕТИШДИ

ТОШКЕНТ

● **Вилоят пахтакорлари қабул пунктларига 352 минг тоннадан зиёд пахта топширдилар.** Ана шу ҳосилнинг кўп қисми машиналарда териб олинди ва юқори навларга топширилди.

Ўрта Чирчиқ районининг азамат пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб, маррага етиб келган эдилар. Улар йиғим-теримни бўшаштирмай, пешқадамликни қўлдан бермаяптилар. Коммунистик районининг пахтакорлари ҳам биринчилар қаторида йиллик режани адо этишган эди. Бу ерда ҳам терим суръатига-суръат қўшилди. Бўкаликлар уйган хирмон 56 минг тоннага яқинлашиб қолди. Чиноз, Пискент, Ғалаба районларининг пахтакорлари ҳам ғайрат кўрсатдилар.

Бу йил мавсумда машина теримига зўр берилди. Ўрта Чирчиқ ва Коммунистик районларининг механизаторлари намуна кўрсатишди. Вилоят хўжаликларида мавсум давомида 2 минг 750 та терим машинаси ишлади. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 100 тоннадан зиёд хом ашё йиғиштириб олинди.

Вилоятда кунлик суръат яхши боряпти. Айни пайтда техникани шудгорлашга тайёрлаш ишларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

СИРДАРЁ

● **Сирдарёликлар уйган хирмон 357 минг тоннадан ошди.**

Унинг асосий қисми биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Машиналар билан ҳозиргача 310 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Меҳнатобод райони азаматлари вилоятда биринчи бўлиб маррага етиб келган эдилар. Мўлжалдаги 23 минг 720 тонна ўрнига салкам 28 минг тонна пахта йиғиб-териб топширдилар. Бу ерда машина терими режаси зиёдаси билан адо этилди.

Ховос, Комсомол, Ворошилов, Боёвут ва Оқолтин районлари пахтакорлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Комсомол районидаги «Ленинград» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчилари Э. Жумабоев ва А. Қўчқоров, Ильич районидаги «Правда» давлат хўжалигидан Қ. Тўқузбоев ва Ш. Мавлонов, Сирдарё районидаги Ильич номли жамоа хўжалигидан Ҳ. Ҳидиров ва бошқалар 191—236 тоннадан пахта теришди.

Гулистон районидаги «Қизил тонг» жамоа хўжалигидан О. Аҳмедова 9 тонна, шу райондаги Фрунзе номли жамоа хўжалигидан И. Абдураззоқова, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан О. Мирзаева 5—8 тоннадан дурдона териб, ҳамкасбларига ўрнак бўлдилар.

Етиштирилган ҳосилни бир мисқолигача қўймай саранжомлаб олиш — сирдарёликларнинг муддаосидир.

• Саноат корхоналарида

Ўз касбининг устаси бўлиш осонмас. Унинг ортида анча тажриба, тинимсиз меҳнат ва изланишлар ётади. Самарқанддаги шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси З. Мўминова кўп йиллик иш фаолиятида мана шу ҳаёт чиғириқларини босиб ўтган.

Зуҳра учун смена нормасини бажариш, маҳсулот сифатига эътибор бериш эндиликда рисоладаги ҳолга айланган. Айни пайтда шогирдлардан хабардор бўлиш, жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатиш ҳам унинг эътиборидан четда қолган эмас. Шу туфайли бирлашма аҳли моҳир ишчини ҳурмат қилади.

СУРАТДА: Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлов-ўров цехи тандаловчиси Зуҳра Мўминова.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

БУГУНГИ СОНДА:

1-БЕТ.

● Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг топшириғига биноан Вазирлар Кенгаши махсус қарор қабул қилди. Унда ёшларни маънавий жиҳатдан камол топтириш йўллари кўрсатиб ўтилади.

● Жумҳуриятимизда яна икки вилоят — Тошкент ва Сирдарё пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар.

2-БЕТ.

● Жумҳуриятимиз иқтисодиётини соғломлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш йўлида қандай чора-тадбирлар белгиланиши керак? В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги С. Усмонов «Аниқ-равшан йўлни кўзлаб» мақоласида ана шу ҳақда фикр юритади.

3-БЕТ.

● Саводхонлик — маданият белгиси. Саводхонлик учун кураш юксак маданият учун курашдир. Тилшунос олим А. Нурмонов «Умумхалқ мулки» сарлавҳали мақоласида янги атамалар ҳақида баҳс юритади.

4-БЕТ.

● Қардош Марнаул шаҳрида ўтказилган халқ ижодий гуруҳларининг чиқишларида ўзбекистонлик ёшларнинг программаси катта қизиқиш уйғотди. Мусиқа байрамида турли миллат вакиллари қўшиқ ва рақслари ижро этилди.

ШАХТЁРЛАРНИНГ II СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизларни, шахтёрларнинг иккинчи съезди делегатларини табриклайман.

Мамлакатдаги, қўмир саноатидаги аҳволдан, совет шахтёрларининг тақдиридан хавотирлик ва улар тўғрисидаги ғамхўрлик туфайли ушбу съездга тўпланганингизни биламан.

Бугунги кунда қўмир саноатида вужудга келган танг аҳволдан ташвишланаётганингизга шериклигимни яхши биласизлар. Учрашувларимизда биз бу ҳақда бир неча бор гаплашиб олганмиз. Бундай аҳвол тубдан ўзгартирилиши кераклиги хусусида биз сизлар билан яқдил фикрдамиз.

Шуни ошкора эътироф этиш лозимки, ҳукумат, тармоқ раҳбарлари, касаба уюшмалари шахтёрларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан белгиланган барча тадбирлар ёрдамида кўзланган мақсадга эришилмапти, деб бўлмайди. Афсуски, аввалги, биринчи съездингизнинг бир қанча муҳим, асосли талаблари ҳам бажарилмай қолди.

Бунинг турли сабаблари бор. Аммо турмуш бу билан ҳаммамизга қаттиқ сабоқ бермоқда. Бунинг маъноси шундаки, ҳукумат ҳам, шахтёрларнинг ўзлари ҳам куч-ғайратларини бирлаштирганидагина яхшилик сари туб ўзгаришларга эришиш мумкин. Муҳолифлик эмас, балки мулоқот, ҳамкорлик — муваффақият гаровидир.

Айни тангликдан чиқишнинг аниқ йўлларини биргаликда излаш съездингизнинг асосий мазмуни бўлишига ишончим комил. Чунки сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормал изга солиш, фуқаролар тинчлиги ва иноқлиги муҳити бугунги кунда бизга ҳамма нарсадан кўра кўпроқ зарурдир.

Шахтёрлар ўзларининг жипслиги, интизоми, сиёсий онглилиги билан ҳамиша машҳур бўлиб келганлар, Шунинг учун ҳам мен азиз ўртоқлар, сизларни, мамлакатнинг барча шахтёрларини мана шу бурилиш даврида эзгу ирода кўрсатишга ва мамлакатдаги аҳволни нормаллаштириш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш, одамлар турмушини яхшилашга оид тадбирларни қўллаб-қувватлашга даъват этаман. Сизлар ана шу тадбирларни амалий равишда қўллаб-қувватлашингиз хўжалик алоқаларини, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашда намоён бўлишига умид қиламан.

Съездга таклиф этганингиз учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Афсуски, бу таклифдан фойдалана олмайман. Ҳозир Москвада қанчадан-қанча муҳим ишлар муҳокама қилинаётганини биласизлар. Аслида, биз сизлар билан ҳозирги пайтда Донецкда ҳам, Кремлда ҳам айни бир хил вазифани ҳал этяпмиз. Шу боисдан мен ҳаракатларимиз мувофиқлаштирилишига умид боғлайман. Шунга ишонишингиз мумкинки, съездингиз ишлаб чиқадиган барча фойдали, чинакам қайта қуришга оид режалар иқтисодиётимизни ва жамиятни келгусида янгилаш умумий дастурининг таркибий қисми бўлади.

Самарали ишлашингизни тилайман.

ССЖИ Олий Кенгашининг қарори

ХАЛҚАРО ТУРМУШНИНГ ҲОЗИРГИ ПАЙТИ ВА ССЖИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАМЛАКАТ МАНФААТЛАРИ ҲАМДА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ИШИ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. ССЖИ ташқи ишлар вазири ўртоқ Э. А. Шеварднадзенинг халқаро ҳаётнинг ҳозирги пайти ва ССЖИ ташқи ишлар вазирлигининг мамлакат манфаатлари ҳамда хавфсизлигини таъминлашга доир иши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. ССЖИ Вазирлар Кенгашига, ССЖИ Ташқи ишлар вазирлигига янги тафаккур қоидаларига ҳамда Совет Иттифоқи хавфсизлиги ва манфаатларини фаол ҳимоя қилишга асосланган сиёсий йўлни изчиллик билан ўтказишни давом эттириш топширилсин.

3. ССЖИ Олий Кенгашининг халқаро ишлар қўмитаси ва ССЖИ Олий Кенгашининг Мудофаа ҳамда давлат хавфсизлиги масалалари қўмитаси, ССЖИ Ташқи ишлар вазирлиги ССЖИ Мудофаа вазирлиги иштирокида мамлакат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга доир ахборотларни ёпиқ тарзда эшитсинлар, сўнгра бу масала ССЖИ Олий Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилсин.

4. ССЖИ Олий Кенгашининг Байналмилалчи жангчилар ишлари қўмитаси, ССЖИ Олий Кенгашининг Халқаро ишлар қўмитаси ва ССЖИ Олий Кенгашининг Мудофаа ҳамда давлат хавфсизлиги масалалари қўмитаси тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакилларини таклиф этиб, Совет-Афғон муносабатларининг ҳолати ҳамда Афғонистон теварагидаги муаммоларни тезроқ ҳал этишга доир куч-ғайратлар тўғрисидаги масалани қўшма мажлисда тингласин. Масалани кўриб чиқиш натижалари ҳақида ССЖИ Олий Кенгашига маълум қилинсин.

5. ССЖИ Ташқи ишлар вазирлиги, ССЖИ Олий Кенгашининг Халқаро ишлар қўмитаси, ССЖИ Олий Кенгашининг бошқа қўмиталари ҳамда палаталарнинг доимий комиссиялари ташқи сиёсатнинг асосий муаммолари ва уларни ҳал этишга доир куч-ғайратлар тўғрисида ССЖИ Олий Кенгашига маълумотномалар - ахборотларни мунтазам тақдим этиш тажрибасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобласин.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси.

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 22 октябрь.

ТРЕНАЖЕР МАШИНИСТ ЁРДАМЧИСИ

● **Бу йил Ўрта Осиё темир йўли магистралларида авария бўлишига йўл қўймаган жамоалар орасида Бухоро-1 локомотив депосининг машинистлари ҳам бор. Бу—темирйўлчиларнинг ўз касбларини яхши эгаллаганликларидан далолатгина эмас, шу билан бирга составларни хавфсиз бошқаришни ўрганиш юзасидан тер тўкиб меҳнат қилганлигининг ҳам натижасидир.**

Бухороликлар тўла хўжалик ҳисобига асосланган белоруссиялик темирйўлчиларнинг илғор усулига ўтганлиги уларни барқарор ва авариясиз ишлаш йўлларини излашга мажбур қилди. Бу ерда машинистларни қайта тайёрлашнинг ўзига хос ечимини топишди. Депонинг эксплуатация цехида тренажерлар хонаси ташкил қилинган.

Илғор темирйўлчилар тажрибасини Ўрта Осиё магистралининг барча бўлимларида жорий этишга қарор қилинди.

ИЖАРА ХОСИЯТИ

● **Нукус бинокорлик материаллари комбинатининг жамоаси ижара шароитида ишлаб, миллион сўм даромад олди. Январь ойида меҳнат жамоаси «Қарақалпакстройматериали» ишлаб чиқариш бирлашмасининг таркибидан чиқиб, шу вақт ичида бир қанча ўткир муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўлди.**

Асосийси, ходимларнинг ўз меҳнатлари пировард натижаларидан манфаатдорлиги анча ошди. Эришилган натижалар умид бағишламоқда: шартнома мажбуриятлари юз фоиз бажариляпти, рентабеллик анча ўсди. Ишчилар иш ҳақининг ошиши эса бунинг қонуний натижаси бўлди.

Қорақалпоғистон корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор шаклига ўтиш тугалланмоқда: саноатнинг аксарият жамоалари хўжалик ҳисобининг биринчи модели, ўн етти жамоа эса иккинчи модели асосида ишламоқда. (ЎзТАГ).

• *Маданий ҳаёт* •

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПТИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

Кейинги вақтда жумҳурият раҳбарияти аҳоли турли табақаларининг ижтимоий эҳтиёжларига, уларнинг моддий аҳволини яхшилашга асосий эътиборни қаратаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу борада болалар ва ёшларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши жумҳурият Президентининг топшириғига биноан болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, махсус ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари 1990 йилнинг 1 ноябридан давлат театрларига, концерт-филармония ташкилотларига (В. И. Ленин номли ССЖИ Халқлари дўстлиги саройидан ташқари) бир ойда бир марта бепул боришини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор ёш авлодни бадиий маданиятнинг энг яхши намуналарига ошно қилишга, уларда юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларни, бадиий дидни шакллантиришга қаратилган.

Жумҳуриятнинг халқ таълими вазирлигига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, бошқа вазирликларига ҳамда ихтиёрида ўқув юртлари ва мактабгача болалар муассасалари бўлган идораларига маданият вазирлиги билан биргаликда маданият муассасаларига жамоа бўлиб бориш тартиби ва жадвалини белгилаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси томошабинларнинг ана шу тоифаси учун мўлжалланган репертуарни қайта кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Қорақалпоғистон ССМЖ Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, махсус ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари жамоа бўлиб маданият муассасаларига боришларини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашиш вазифаси топширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Вьетнам Социалистик Жумҳуриятининг ССЖИдаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Нгуен Мань Кам Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов 23 октябрь куни Нгуен Мань Камни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида меҳмон жумҳуриятда қайта қуришнинг бориши билан, ҳозирги босқичда Ўзбекистон олдида турган вазифалар, унинг иқтисодий имкониятлари билан таништирилди.

Вьетнам, деб таъкидлади Нгуен Мань Кам, Совет Иттифоқи, жумладан Ўзбекистон Вьетнам халқи учун оғир бўлган даврда унга ёрдам берганлигини ҳамиша ҳис этиб турди.

Иккала томон дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш муддаоларини изҳор қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, Ўзбекистон ССЖ Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг раиси А. Маҳмудов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ССЖИ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ XIX СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА. (ТАСС). 23 октябрь куни пойтахтимизда ССЖИ касаба уюшмаларининг XIX съезди очилди. Съезд совет кишиларининг энг оммавий ташкилоти кўп йиллик фаолиятига якун ясайди. У мамлакат касаба ҳаракатининг янги концепциясини ишлаб чиқиши керак.

140 миллиондан ортиқ касаба уюшмалари аъзолари номидан келган 2300 дан кўпроқ делегат Кремлнинг Съездлар саройига тўпланди. Съезд ишида ССЖИ Президенти М. С. Горбачев, ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков қатнашмоқдалар.

Съезд муддатидан икки йил илгари чақирилди ва моҳиятан фавқулодда хусусиятга эга. Мамлакатимизда вазиятнинг ниҳоятда ўткирлашганлиги — иқтисодий тангликнинг чуқурлашуви, аҳоли турмуш даражаси шитоб билан пасайиб бораётганлиги, миллатлараро можаролар, жиноятчиликнинг ўсиши касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўриши зарурлигини тақозо этмоқда. Федератив давлат қурилиши сари йўл олинганлиги, бозор муносабатларига ўтилиши, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги касаба уюшмаларининг совет жамиятидаги ўрни ва аҳамиятига янгича назар ташлашга мажбур қилмоқда.

Анжуман кун тартибига ВЦСПСнинг ССЖИ касаба уюшмалари XXVIII съездидан кейинги ишлари ва мамлакат касаба ҳаракатини тубдан янгилаш вазифалари тўғрисидаги ҳисобот киритилган. Съезд янги касаба марказини тузиш керак бўлади, уни ССЖИ касаба уюшмалари умумконфедерацияси деб аташ таклиф этилмоқда. Конфедерация фаолиятининг асосий ташкилий принциплари ва тартибини тасдиқлайди. Касаба марказининг яқин даврдаги ва истиқболдаги устун йўналишлари режалаштириб олинади.

Съездда ВЦСПС раисининг ўринбосари В. П. Шчербаков маъруза қилди.

«Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари» лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

АНИҚ-РАВШАН ЙЎЛНИ КЎЗЛАБ

Ҳозир жамиятимиз шундай бир аҳволга тушиб қолдики, бу танглиқдан чиқишнинг бирдан-бир йўли бозор иқтисодиётига ўтишдир. Бозор иқтисодиёти шароитида қиймат қонуниятидан ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб қолади. Ана шунда мол ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги айирбошлашда тенгликка эришилади. Қиймат қонуниятининг ўз-ўзидан пайдо бўладиган, бироқ, холис хатти-ҳаракати маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқаришни ўз билгиларича ташкил этишга, ўзаро жуда қаттиқ рақобатга киришишга мажбур этади.

У қурашда кўплаб аргон, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган, иложи борича кўпроқ фойда олган корхонагина ғолиб чиқади. Бунга эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни моҳирона ташкил этиш, фан ва техника тараққиёти ютуқларини ҳамда илғор иш амалиётини жорий этиш орқали эришилади. Тўғри, бунда кимлардир муттасил фойда кўриб бораверади, кимлардир эса ўз нўноқлигидан синади.

Биз режали иқтисодиётда қиймат қонуниятидан фойдаланиш зарурлигини назарий жиҳатдан тан олганмиз. Амалиётда ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари ва баъзи жумҳуриятлар ҳамда вилоятлар ўртасидаги айирбошлаш жараёнида қиймат қонунини ҳисобга олишимиз керак эди. Бу эса қиймат қонунининг қудратли рағбатлантирувчи кучидан фойдаланиш, унинг хонавайрон қилувчи кучини чеклаш ҳамда аҳоли айрим қатламларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишни таъминлаш, пировард натижада адолатли ва инсонпарвар социалистик жамиятни қуриш имконини берарди.

Афсуски, жамиятимиз тараққиёти жараёнида мана шу режаларни амалга оширишга муваффақ бўлинмади. Оқибатда моддий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларидаги айирбошлашда тенглик бузилди. Узоқ вақт давом этган ана шундай бузилишлар ишлаб чиқаришга таъсир этишнинг иқтисодий дастакларига хос бўлган рағбатлантирувчи омилларнинг кескин камайишига олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик системасига мажбурий ўтиш, табиийки раҳбарликнинг иқтисодий усуллари ўрнини қоплай олмасди.

Қиймат қонуниятининг таъсирини етарли даражада ҳисобга олмаслик, шунингдек, ҳар бир жумҳурият, ўлка ва вилоятнинг мамлакат умумий «қозони»га қўшадиган ҳақиқий ҳиссасини ўлчаш ва тарозига солишдан, айни пайтда эса улар бу қозондан нималарни олганликларини бир-бирига солиштиришдан маҳрум этди. Негаки, маҳсулотларни сотиш нархлари уларни ишлаб чиқариш учун қилинган ижтимоий-зарур сарф-харажатларга, бошқача айтганда, ҳақиқий нархга тўғри келадиган қилиб белгиланмас эди.

Шу боис, қайта қуриш ва ошкоралик жараёнида юз берган мунозаралар ғалати бир ҳолатни аниқлади. Ҳар бир жумҳурият, шу жумладан, РСФСР вакиллари ҳам биздан жуда кўп нарса олишяпти, қолганлар бизнинг ҳисобимизга яшамоқдалар, деган гапларни ўртага ташладилар. Айни пайтда СССР Давлат ҳисоблаш комитети шундай маълумотларни эълон қилдики, уларга кўра, қарийб барча республикаларда ҳосил қилинган миллий даромад жойларда фойдаланилаётган даромадни қопламас экан. Қарама-қарши бу фикрларга нима дейиш мумкин? Ҳамма гап шундаки, маҳсулот айирбошлашдаги тенглилик масаласи илмий жиҳатдан асосланмаган, жойларда маҳсулотларнинг айрим турлари ишлаб чиқарилиши тўғри ҳисобга олинмаганди. Гап социализмнинг ва умуман ҳар қандай жамият самарали фаолият кўрсатишининг асосий қонун-қоидаларидан бири — етарли ҳисоб-китоб ва назорат йўқлиги ҳақида бормоқда. Бундай ҳолатда, табиийки, социалистик жамиятнинг бор имкониятларини рўёбга чиқариб бўлмайди.

Юқорида баён этилган назарий жиҳатлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг у ёки бу дастурига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади. Биз асосий мақсади иложи борича кўпроқ фойда олишга қаратилган бозор иқтисодиёти вариантини қабул қила олмаймиз. Социалистик йўналиш доирасидаги бозор иқтисодиётига ўтиш маъқул кўринади. Одамлар турмушини яхшилаш, уларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашлари ва ишчанлик кўрсатишлари учун катта йўл очиб бериш, шунингдек, меҳнатни рағбатлантиришнинг юқори самарали тартибини яратиш — унинг асосий мақсадидир. Ҳукумат дастури ҳам, айниқса Шаталин дастури ҳам айнан мана шу асосий мақсадларга жавоб бермайди. Мамлакат Президентининг ССЖИ Олий Кенгаши депутатларига йўллаган «Халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари» матбуотда эълон қилинди. Ушбу ҳужжат эндиликда фақат иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларинигина белгилайди. Ҳар бир жумҳуриятга ички шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ўз ислоҳот дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконияти берилди.

Шу жиҳатдан олганда, «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳасини ўз вақтида ишлаб чиқилган, деб ҳисоблаймиз.

ЛОЙИҲАДА олға сурилган асосий мақсадлар ва принципларни амалга ошириш учун дастлабки босқичда халқнинг қарор топган турмуш даражасини мумкин қадар сақлаб қолиш, аҳолини кафолатли равишда иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш зарур. Бозорга ўтиш иқтисодиётни барқарорлаштириш билан бир қаторда марказдан жумҳуриятнинг иқтисодий шароитларни тенглаштиришни талаб этиш орқали ҳам рўёбга чиқарилади. Бу — энг асосийси.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши кўпгина жиҳатлар билан боғлиқдир. Биз шулардан иккитасига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Биринчидан, у республика иқтисодиёти ривожининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган. Иккинчидан, у вужудга келтирилган қадриятлардан фойдаланиш ҳамда бозорга знёнсиз ўтиш учун зарур бўлган структураларга асосланади. Яъни, бошқарувнинг мавжуд структураларини вайрон қилиш эмас, балки, унинг негизида бу структураларни тубдан такомиллаштириш, халқчиллашаётган иқтисодиётга мослаштириш лозим. Бунда бошқарувнинг иқтисодий усуллари асосий ўрин эгаллайди.

Ҳужжатда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг озиқ-овқат масаласини ҳал этишдаги катта имкониятларидан фойдаланишга қаратилган жиҳатлар бор. Биз шу пайтгача шахсий ёрдамчи хўжаликларда, агар таъбир жоиз бўлса, қарор топган кичик бозор иқтисодиётига етарли эътибор бермадик. Негаки, жуда кам майдонни эгаллаган бундай хўжаликларда озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 40 фоизи етиштирилмоқда. Жумҳуриятнинг колхоз бозорлари асосан шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинаётган маҳсулотлар ҳисобига ишлаб турибди. Боз устига шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири эканлигини тан олмадик. Кўпинча эса, очиғи, унинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келдик.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар имкониятлари сўнгги йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли ошди. Улардаги экин майдонлари қарийб икки баравар кўпайди. Айни пайтда улар тараққиётига халал бериб келаётган катта-катта муаммолар ечиб бориляпти. Дағал ва аралаш озуқа ҳамда ем-хашаклар, бузоқлар, паррандалар, биокорлик материаллари ажратиб берилмоқда.

Фикримизча, лойиҳада бозор иқтисодиётини вужудга келтириш жараёнида шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантириш муаммоларига етарли даражада аҳамият берилмаган. Назаримизда, шахсий ёрдамчи хўжаликлар муаммоларини ҳал этишни аниқ белгилаб олиш даркор. Шунга кўра, биринчи босқич (1990—1991 йиллар)да барча хўжаликлар эгаларига 0,25 гектаргача ер ажратиб беришни ниҳоясига етказиш зарур. Бунинг учун эса қўшимча равишда салкам 150 минг гектар майдон талаб этилади. Иккинчи босқич (1991—1993 йиллар) да шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун мева, сабзавот, полиз экинлари, жумладан, данакли мева дарахтлари учун қўшимча ер ажратиш керак. Маълумки, данакли мевалар ҳосилини териш ниҳоятда оғир бўлиб, эртаки, ўртаги ва кечки навларни йиғиштириб олиш ишлари баҳордан кузгача давом этади. Шу боис жамоа ва давлат хўжаликларида мева етиштиришнинг ана шу тури билан шуғулланишга вақт ва имконият деярли бўлмагани сабабли ўрик, шафтоли, ёнғоқ, гилос, олча, олхўри каби мевали ниҳоллар экиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди.

Бундай ниҳоллар учун ер одатга кўра шахсий ёрдамчи хўжалик ҳовлисидан ташқарида ажратилиши ҳамда у ерларда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш иншоотлари қурилмаслиги зарур. Бир сўз билан айтганда, жамоа боғдорчилиги шаклида бўлиши керак. Хоразмдаги ва бир қатор вилоятлардаги жамоа ва давлат хўжаликларида ҳозир бу усул кенг ёйилмоқда. Умуман олганда, бундай тажриба Болтиқбўйи жумҳуриятларида ва РСФСРнинг айрим вилоятларида кенг қўлланилиб, ижобий натижалар беряпти. Мазкур таклиф кўпчилик учун кутилмаган бўлиши мумкин. Бу ерларни хусусий мулк эгаларига топшириш ёки сотиш тўғрисидаги таклифларга муқобил дейиш мумкин. Яхши биласиз, КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил октябрь Пленуми юқоридаги таклифни қўллаб-қувватламади.

Ер шахсий ёрдамчи хўжаликларга муддатсиз ва бепул мерос қолдириш ҳуқуқи билан фойдаланишга топширилади. Бу ер қандайдир сабабга кўра, зарур бўлмай қолса, у ҳолда маҳаллий Совет уни бошқа кишига яна бепул беради. Бунда ер эгаси барча уй-жойлар ва ишлаб чиқариш биноларини, асбоб-ускуналарни, техника воситаларини сотиши мумкин. Чунки, бир пайтлар уларни ўз меҳнати билан йиққан эди.

Ер ҳақидаги масалада асосий нарса — муаммони ҳал этишнинг турли кўринишлари қандай мақсадларни кўзлаётганлигини аниқлашдан иборат. Мақсад эса ишлаб чиқаришнинг чинакам соҳиби фазилатларини қайта тиклашдан ҳамда ердан самарали фойдаланишга бўлган қизиқишни олий даражада таъминлашдан иборатдир. Унга ерни хусусий мулк сифатида сотиш йўли билангина эришиш қийин. Масалан, бирор киши ерни сотиб олгач, ундан ҳамиша ҳам самарали фойдаланиши мумкин, деб айтиш қийин. Шу боис **ер эгасини эмас,** балки **ердаги соҳибни** вужудга келтириш учун шарт-шароитларни яратиш жоиздир. Энг муҳими — инсон ўз фаолияти натижаларига қараб ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга эгалик қила олсин. Масаланинг моҳият-эътибори ана шунда.

ХУШ, инсон амалда қандай қилиб ернинг соҳиби бўла олиши мумкин? Унга эришишнинг иқтисодий механизмлари қандай? Ушбу саволга шахсий ёрдамчи хўжаликлар тажрибасига таяниб жавоб бериш мумкин. Негаки, жумҳуриятимиз бўйича бундай хўжаликлардаги бир гектар майдондан ўртача 12 минг сўм даромад олинмоқда. Айрим хўжаликларда эса бу кўрсаткич 12-20, ҳатто 30 минг сўмни ташкил этмоқда. Жамоа ва давлат хўжаликлари эса ўртача салкам икки минг сўмдан даромад қилмоқда. Баъзи жойларда 3-4 минг сўм даромад кўраётганлар ҳам бор.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмлари учта масалада муваффақиятли ишлаб турибди. Биринчидан, ер эгаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишини ўзи эркин белгилайди. У қайси экин фойдали бўлса ўшани экишга ҳаққи бор. Агар боғдорчилик ва узумчиликни маъқул кўрса шу иш билан шуғулланади. Иккинчидан, ер соҳиби ўзи етиштирган барча маҳсулотларга тўла хўжайин. Хоҳласа сотади, истаса ўзига олиб қолади. Истаса давлатга ёки кооперативга ёки колхоз бозорига олиб чиқади. Хоҳласа ҳосилни йиғиштириб олиши биланоқ пуллайди, истаса қишда сотади. Учинчидан, ер эгаси ўз маҳсулотини хоҳлаган нархида, албатта, бозордаги нарх-навога қараб сотади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлар тараққий этган сари оилавий деҳқон хўжаликларига айланади. Шуни қайд этиш керакки, ҳозиргача «деҳқон хўжалиги» ибораси ҳуқуқий жиҳатдан ягона таърифга эга эмас. Шу боис улар айрим жумҳуриятларда вужудга келмоқда, бошқаларда эса умуман улар тўғрисида ўйлашмаяпти ҳам. Ўзбекистонда қарийб ана шундай 3 мингта хўжалик бор. Улар асосан Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятидадир.

Мен ўтган йили Болтиқбўйи жумҳуриятларида бўлганимда шу масала билан қизиқдим. Ў ерда товар маҳсулотни мустақил ишлаб чиқаришни истовчи деҳқонларнинг аризалари асосида 8 мингта шундай хўжалик ташкил этилган. Икки-уч кишидан иборат ҳар бир деҳқон хўжалиги ихтиёрида 35-45 гектардан майдон бор. Оилаларнинг барча аъзолари фақат ўз хўжаликларида тер тўкадилар.

Колхозлар ва совхозлардан ташқарида ташкил этилаётган деҳқон хўжаликлари давлат банкларида ўзларининг мустақил ҳисоб-китобига эга бўлади. Афсуски, улар пахта экиладиган зоналарда кенг ёйилмаслиги мумкин. Пахта экиладиган зоналарда ерларнинг чекланганлиги ва аҳолининг ниҳоятда зичлиги колхозлар ва совхозлардан ташқарида деҳқон хўжаликларини ташкил этишга жиддий тўсқинлик қилади. Шунинг учун бу масалани чуқур ўрганиб чиқиш зарур. Биздаги деҳқон хўжаликлари деб аталаётган хўжаликлар асосан чорвачилик билан шуғулланмоқда. Уларнинг аксарияти шахсий ёрдамчи хўжаликлар негизида ташкил этилган.

Оилавий хўжаликлар кўзда тутиладиган бўлса, улар жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида бор. Фикримизча, суғориладиган зоналарда оилавий хўжаликларнинг истиқболи порлоқ. Негаки, улар шахсий ёрдамчи хўжаликларда мевачилик, узумчилик, сабзавотчилик, шунингдек, чорвачилик билан машғулдирлар. Ана шу оилаларнинг аъзолари айни пайтда колхоз ва совхозларда пудрат ва ижара асосида ишлайдилар, асосан пахта, шоли, беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари етиштирадиларки, уларни парваришлашнинг барча жараёнлари механизациялаштирилган.

«Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳасида шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни аниқ белгилаб олиш керак. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи ва айниқса, иккинчи босқичларида ишлаб чиқаришга ва маҳсулотларни реализация қилишга хизмат кўрсатувчи энг оддий ихтисослаштирилган кооперативларни вужудга келтириш ва ривожлантириш зарурати кўзда тутилиши лозим. Буни амалга оширишда яқинда ташкил топган шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари иттифоқи хизмат қилишга даъват этилган.

Лойиҳада жамоа ва давлат хўжаликларидаги катта имкониятларни тўла сафарбар қилишни таъминловчи чора-тадбирларни алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Улар орасида инсон омилини фаоллаштиришга ва колхозчилар билан совхозлар ишчиларини ўз ишлаб чиқариши ва ўзи етиштирган маҳсулотларнинг ҳақиқий эгасига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, биринчидан, хўжаликларга қайси йўналишда ривожланиш ва ихтисослаштириш ҳуқуқини ўзи танлаш, иккинчидан, ўз маҳсулотини ўзи тасарруф этиш, учинчидан, уларга ички ва ташқи бозордаги нарх-навога қараб ўзи етиштирган маҳсулотлар учун нарх белгилашда эркинлик бериш керак. Шу муносабат билан бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичидан бошлаб колхозлар ва совхозлардаги бошқарувнинг ички структурасини тубдан қайта қуриш уларни ижара муносабатлари кенг ривожланган кооперативлар кооперациясига айлантириш даркор.

Бу лойиҳа муҳокама жараёнида шубҳасиз янада такомиллаштирилади. Ҳозир иқтисодчи олимлар ҳам бу соҳадаги фаолиятларини кучайтирдилар. Бу нарса бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муаммолари бўйича мамлакатда биринчи бўлиб Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида ҳам яққол кўринди.

Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши билан Бутуниттифоқ иқтисодий жамияти жумҳурият бошқаруви бозор иқтисодиёти бўйича энг яхши ишлар учун танлов уюштирдилар. Ўйлаймизки, иқтисодчиларнинг таклифлари бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини рўёбга чиқаришга яқиндан кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий шароитлари бошқа жумҳуриятларникидан яхши эмас. Бироқ бизда олиб борилаётган ташкилотчилик ишлари иқтисодиётни барқарор ушлаб туришга олиб келди. Бу кейинги йилларда ўсиш суръатларидан, бозорлардаги ҳақиқий аҳволдан ҳам маълумдир. Ўз навбатида жумҳуриятимиз иқтисодиётини соғломлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар бажарилишидан далолат бермоқда.

С. УСМОНОВ,

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги.

● БАЙНАЛМИЛАЛ ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

● Қардош Туркманистон билан Қашқадарё воҳаси чегарадош. Ҳар иккй халқнинг ўзаро дўст-биродарлиги, қариндош ва қуда-андачилик анъанаси бор. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССР ўртасида тузилган ҳамда шу жумҳуриятлар раҳбарлари Олмаотада имзолаган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимдан кейин ўзаро алоқалар янада кучайди, иккала республиканинг чегарадош районлари ўртасидаги муносабат тағин ҳам яхшиланди.

ТУРКМАН ҚАРДОШЛАР ҚАШҚАДАРЁДА

Яқинда бир гуруҳ туркманистонлик дўстлар вакиллари маданий ва сиёсий ҳаёт билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига келдилар. Мезбонлар уларни нон-туз билан самимий кутиб олишди. Меҳмонлар орасида Сарагит район партия, совет ташкилотлари, жамоа ва давлат хўжаликлари деҳқонлари, тиббиёт, маданият ва халқ таълими ходимлари бор.

Қардошлар Қарши магистрал каналининг 7-насос станциясини, Таллимаржон сув омборини бориб кўришди. Таллимаржон ва Нишон шаҳарларида бўлишди. «Нишон» давлат наслчилик заводи, пахта тозалаш заводлари ишчилари билан учрашдилар.

Бундай учрашувлар воҳанинг Усмон Юсупов ва Ульянов районларида ҳам бўлиб ўтди.

М. КАРОМОВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АМАЛИЙ ЎҚУВ

Тошкентда очилган илмий-амалий семинар-мактабнинг иштирокчилари жумҳурият қурилиш комплекси ташкилотлари ва корхоналарининг бозор иқтисодиёти шароитида ишлаши муаммоларини муҳокама қилишмоқда. Семинар-мактабни Ўзбекистон ССЖ Давлат қурилиш қўмитасининг малака ошириш илмгоҳи ташкил қилди.

Тингловчилар ҳузурида жумҳурият ва мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимлари маърўза қиладилар. Франция, Ҳиндистон, Сурия, Польша ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан келган қурилиш-саноат фирмаларининг вакиллари давра суҳбат-мунозаларида, амалий ўйинларда иштирок этадилар ва кордонлик фаолияти борасида тажриба алмашадилар.

Жумҳурият қурилиш комплексининг масъул ходимлари хорижий фирмалар билан шартномалар, режа протоколлари тузиш имконига эга бўладилар.

Машғулотлар тугаганидан сўнг тингловчилар қурилиш саноатининг корхоналари ва ташкилотларини бозор муносабатларига ўтказиш юзасидан илмгоҳ ишлаб чиққан методик материаллар мажмуини оладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ЖУМҲУРИЯТ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИНИ ШАРҲЛАЙДИЛАР:

Ўзбекистон ССЖ олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. АЛИМОВ:

— Ушбу қарорнинг қабул қилиниши олий ўқув юртлари ҳамда эстетика, тарих ва жаҳон ҳамда Ватан маданияти назарияси кафедралари олдига янги вазифалар қўяди. Мазкур фанлар бўйича у ёки бу мавзу юзасидан театрлар, музейлар ёки талабаларнинг дарсхоналарида маданият арбоблари иштирокида амалий машғулотлар ўтказиш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, олий ўқув юртлари билан ўрта махсус билим юртлари бўлажак мутахассисларга инсонпарварлик — эстетик маълумот беришни ривожлантириш учун қўшимча имкониятга эга бўлдилар.

Ўқув юртларининг маданият муассасалари билан ҳамдўстлигининг бундай шакли талабаларнинг умумий маданий савиясини оширишгагина эмас, айни вақтда улар бадиий ижодини ривожлантиришга ҳам кўмаклашиши шубҳасиздир.

Жумҳурият халқ таълими вазирининг ўринбосари С. МАХНЕНКО:

— Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарори ёшларни маънавий жиҳатдан камол топтириш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Ўтган йили мактаблар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, талабалар, аҳоли бошқа тоифаларининг вакиллари жумҳурият давлат музейларига ҳафтада бир марта бепул боришлари хусусида шундай қарор қабул қилинган эди. Бу ҳукуматнинг ижтимоий-маданий сиёсат ўтказишда, айниқса бугунги шароитда кам таъминланган оилалар учун жуда зарур бўлган ижтимоий-маданий сиёсатининг изчиллигидан далолат беради.

Жумҳуриятимизда 31 та давлат театри, 7 та давлат филармонияси, «Баҳор» рақс ансамбли бор.

Янги қарор 300 мингга яқин ўқувчи ҳар йили театр, мусиқа, шеърият, рақс олами билан бевосита ошно бўлишига имкон беради, бундан кейин ҳам гўзаллик олами билан мустақил танишиш учун омил бағишлайди.

Қарорни рўёбга чиқаришда халқ таълими ва маданият вазирликлари янада мустаҳкам алоқа ўрнатишларини, уларнинг жойлардаги муассасалари, ташкилотлари фаолиятида давомийлик бўлишини назарда тутади, эстетик тарбиянинг йўлга қўйилишига янгича ёндашувларни тақозо этади.

Бу ўринда гап театрлар, филармонияларга бир марта бориш ҳақида эмас, балки узлуксиз эстетик тарбиянинг принципиал янги системасини яратиш ҳақида бориши кераклиги тушунарлидир. Ёшларни драма, опера, симфонияларни тушунишга тайёрлаш керак. Демак, мактабларнинг режаларидан артистлар, мусиқачилар билан учрашувлар, ижод дарслари, гўзаллик дарслари мустаҳкам ўрин олади. Театрлар, филармонияларга борилганидан кейин эса таассуротларни ўртоқлашиш, иншо ёзиш, расм чизиш юзасидан мусобақалар ўтказиш, мунозаралар ва шунга ўхшаш кўп тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Ўз навбатида ижодий ходимларнинг фаолиятида қатнашиш ҳозирги ёшлар маданий савияси даражасини, қизиқишларининг қандай руҳда эканлигини аниқлаб олишга ва ана шу асосда репертуарни тўғри режалаштиришга, унинг ижросига тузатишлар киритишга имкон беради.

Қарор қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳар бир мактаб, ҳунар-техника билим юрти, илмгоҳ юқоридан кўрсатма берилишини кутиб ўтирмай, театрлар, филармониялар билан алоқа ўрнатишлари зарур.

Вилоят халқ таълими бўлимлари маданият муассасаларига бориш жадвалини ишлаб чиқар эканлар, айниқса қишлоқ ноҳиялари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Албатта, бўлажак тарбиячилар — педагогика олий ўқув юртларининг талабалари янги имкониятлардан тўлиқ даражада фойдаланишлари даркор.

ОЛТИН КУЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Шовот районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари етиштирилган мева-сабзавот ҳосилини ўз заводларида қайта ишлашга одатланишган. Бу ердаги консерва заводида 50 киши ишлайди. Улар ҳар йили 150 минг банка турли хил шарбатлар тайёрлашади.

— Шарбатимиздан татиб кўринг, мазаси оғзингизда қолади, — дейди ишчи А. Қодирова.

Дарҳақиқат шарбат тотли бўлгач, харидор кўпаяверарканг. Шовотликлар ўз маҳсулотларини жумҳуриятимиз шаҳарларигагина эмас, балки Иттифоқимизнинг турли бурчакларидаги истеъмолчиларга ҳам жўнатишмоқда. Бундан олинаётган фойда салмоқли бўляпти. Завод хўжаликка йилига 200 минг сўмлик даромад келтирмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Тажрибали ишчилар А. Қодирова ва М. Мелибоева. 2. М. Бекжонов маҳсулотни тозалаш жараёнида.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

СПОРТ

Шахмат: БЕШИНЧИСИ ҲАМ ДУРАНГ

Нью-Йоркда давом этаётган жаҳон чемпионлиги учун кураш тобора муросасиз баҳсга айланмоқда. Чемпион Г. Каспаров билан тож даъвогари А. Карповнинг бешинчи учрашуви ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Ўйиннинг 36-юришига борганда томонлар яна битимга келишиб, дурангга имзо чекдилар. Шундай қилиб, ҳисоб 3:2 бўлди. Чемпион ҳамон олдинда бормоқда.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● БИРИНЧИ ЛИГА. Олий лигага бериладиган йўлланмадан бирига даъвогарлардан ҳисобланган пойтахт темирйўлчилари кутилмаганда имкониятни бой бериб қўйишди. «Локомотив» футболчилари Сухуми динамочилари майдонида ютқазиб (1:2) қимматли икки очко йўқотдилар. Бу ўйинда темирйўлчилардан Юркуснинг ўз дарвозасига тўп киритиб қўйиши «Локомотив» учун қимматга тушди. Энди темирйўлчилар қолган уч ўйинни ўз майдонларида муваффақиятли ўтказиб, тўртинчи ўринни эгаллаш ва ўтиш турнири орқали олий лигага чиқиш йўлида изланишлар керак.

● ШАРҚИЙ МИНТАҚА. Яна тўрт тур ўйинларидан кейин командалар мавсумни якунлайдилар. Биринчи лигага ўтиш учун асосий даъвогар бўлиб турган Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари сафарда «Мелиоратор» командасидан енгилиб (0:2), мавқеларини янада мустаҳкамлаш имкониятини бой беришди. Ҳозир фарғоналиклар 58 очко билан биринчи бўлиб туришибди. Иккинчи ўринда бораётган «Океан» футболчилари ҳам сафарда икки очко йўқотдилар. Уларнинг ҳисобида 53 та очко бор. Наманганнинг «Навбаҳор» командаси эса «Экибастузчи» футболчиларни қабул қилиб (2:0), 51 очко билан учинчи ўриндаги мавқеларини яхшилаб олишди.

УМУМХАЛҚ МУЛКИ

ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили ҳақидаги Қонуни эълон қилинганига ҳам яқинда бир йил тўлди. Шундан буён тил ҳақидаги Қонунни амалга ошириш учун маълум тадбирлар белгиланди: Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши қошида бу Қонуннинг ижросини текширувчи комиссия тузилди; Атамашунослик комитети ташкил этилди, жумҳурият ва вилоятларда топонимик комиссиялар ўз фаолиятини бошлади. Ташкилот ва корхоналар қошида ўзбек тилини ўрганувчилар учун курслар очилди. Эски ўзбек ёзуви катта қизиқиш билан кенг қўламда ўрганилмоқда. Бу ёзувни ўргатиш учун қисқа муддатда бир қанча ўқув қўлланмалари, методик тавсияномалар нашр қилинди. Ўзбек тилининг лексик хазинасини бойитиш учун бир қатор журналлар «тил сандиғи» саҳифасини очди. Ўзбекча иш қоғозлари намунаси нашрдан чиқди.

Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши кишиларда ўз нутқига талабчанлик ҳиссини оширди. Матбуот саҳифаларида учраётган, лекин ўзларига нотаниш бўлган ўзларнинг маъносини сўраб-суриштирадиган, унга ўз муносабатини билдирадиган бўлиб қолишди. Дарҳақиқат, она тилига эътиборнинг кучайиши айрим кишиларда, айниқса, адиб ва журналистларда ўз тилининг ифода имкониятларини кенгайтириш туйғусини кучайтирмоқда. Ана шу эзгу туйғу таъсирида улар янги-янги атамаларни истеъмолга киритишга, кўпчиликнинг назаридан тушмай «мудраб» ётган бир қанча сўзларни фаоллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз қуйида ўзбек тилининг Давлат тили мақомига эга бўлиши муносабати билан унинг атрофида рўй бераётган баҳсли ўринлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Аввало, янги атамалар ҳақида. Матбуотда чиқаётган бир қатор мақолаларда муаллифлар янги тавсия қилинаётган атамаларга ўз муносабатини билдирмоқдалар. Бу муаллифларнинг айримлари тавсия этилаётган атамаларни рад этсалар, бошқалари маъқулламоқдалар.

Назаримда, тавсия этилаётган атамаларни рад этаётган муаллифлар **тил** ва **нутқ** ҳодисалари, бу ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни эътиборга олмаяптилар.

Тил ижтимоий ҳодиса. У авлоддан-авлодга ўтадиган, ҳамма учун баробар хизмат қиладиган умумхалқ мулки. Нутқ эса хусусийдир. Уни шахс яратади. Ҳар бир жамият аъзоси нутқий жараёнда тилдан ўз имконияти даражасида фойдаланади. Айрим сўз усталари ўз нутқида мавжуд тилдан ўринли фойдаланишлари билан бирга, унинг ривожига маълум ҳиссасини қўшишлари, янги сўз ижод қилишлари мумкин. Лекин бу ижод қилинган сўзлар тарих синовидан ўтиб, умумхалқ мулкига айлангандагина нутқий ҳадислардан тил системасига ўтади. Акс ҳолда улар истеъмолдан тушиб қолади. Чунки тил шундай бир улкан тўқимаки, ундаги сўзлар шу тўқиманинг чокларига айлансагина тилнинг узвий қисми бўлиб қолади. Масалан, 20-йилларда ўзбек зиёлилари томонидан тавсия этилган **оташ арава, теппа арава, ўт омоч, ер билгич** сингари бир қатор сўзлардан фақат ўқитувчи ва ўқувчи каби сўзларгина ўзбек тилининг луғавий мулкига айланди. Шунинг учун ҳам тавсия этилаётган янги сўзлардан чўчиш керак эмас.

Иккинчи муҳим масала олинма сўзларга муносабат масаласидир. Дунёда бошқа тиллардан мутлақо сўз олмаган биронта ҳам тил йўқ. Ҳар қандай тил ўзи хизмат қилаётган жамият қайси жамият билан яқин мулоқотда бўлса, шу жамият тилидан маълум сўзларни олади ва ўз навбатида, унга ҳам маълум сўзлар беради. Бу табиий жараён. Лекин муайян бир даврда маълум ижтимоий сабабларга кўра маълум бир тилнинг нуфузи ортиб кетиши натижасида бу тилдан олинган сўзларнинг миқдори меъёридан ортиб кетиши мумкин. Бундай вақтда ҳақли равишда шу халқнинг илғор зиёлилари ўртасида тил софлиги учун курашиш кайфияти туғилади. Ўзбек зиёлилари ўртасида бугунги кунда шундай кайфият вужудга келди. Дарҳақиқат ўзбек тилининг айрим услубларида олинма сўзлар миқдори ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Шунинг учун ҳам бундай сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиш фойдалидир. Лекин бундай кураш натижасида ҳўлу, қуруқ баробар ёнмаслиги керак. Ҳозирги кунда олинма сўзлиги билинмай кетган **помидор, картошка, кесаки, чўт, чўтка, калиш** сўзлари каби **республика, конверт, журнал** сўзлари ҳам умумхалқ томонидан кенг истеъмол қилинаётган экан, бу сўзларга қарши «ўт очиш»га ҳеч қандай зарурат йўқ.

Бошқа тилдан олинган сўз билан шу тилнинг сўзи маълум даврда бир тушунчани билдириб, олинма сўз гўё ортиқчадек туюлса ҳам, лекин кейинчалик маънода фарқланиш рўй бериб, тил системасидан қатъий ўрин олиши мумкин. Масалан, XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Қошғарий туркий тилда (ўғиз қабиласида) **кўза** сўзининг бўлгани ҳолда форслардан маъноси шу сўз билан бир хил бўлган **офтоба** сўзининг қабул қилинишига эҳтиёж йўқ, деган эди. Лекин кейинчалик кўза билан **офтоба** ўртасидаги маъно фарқланиши рўй бериб, ҳар иккиси тил мулкига айланди.

В. И. Ленин ҳам «Рус тилини тозалаш ҳақида» деган мақоласида рус тилида **недостатки, недочети, пробели** сўзлари билан бир хил маъно ифодаловчи **дефект** сўзининг қабул қилинишини маъқулламаган эди. Лекин бу сўзлар ўртасида кейинчалик услубий хосланиш рўй берди ва ҳозирги рус тилида кенг истеъмол қилинмоқда.

Олинма сўзларни алмаштиришга қизиқиб кетган айрим ўртоқлар ҳатто асл ўзбек сўзларни ҳам арабча ёки тожикча сўзлар билан алмаштиришга уринмоқдалар. Масалан, **тўлқин — мавж** (радио тўлқинлари — радио мавжлари).

Учинчи масала арабизмлар масаласидир. Инқилобга қадар ўзбек тилида, айниқса, юқори — фосиҳ услубида арабча сўзларнинг нисбати анча юқори бўлган. А. К. Боровковнинг ҳисоблашига кўра, 20-йиллар вақтли матбуот тилининг 60 фоизи ўзбекча, 32,1 фоизи арабча, 5,5 фоизи тожикча, 2 фоизи байналмилал сўзлар бўлган. Арабча сўзларни ўзбекча, ва байналмилал сўзлар билан алмаштириш ҳаракати туфайли 50-йилларга келиб арабча сўзларнинг нисбати 21,1 фоизга камайган, байналмилал сўзлар нисбати эса 13,9 фоизга кўпайган.

Ўзбек адабий тилини жонли халқ тилига яқинлаштириш, узоқ даврлардан буён меъёридан ортиқча қўлланилаётган араб ва форс-тожик сўзларини ўзбекча ёки байналмилал муқобили билан алмаштириш ҳаракати туфайли арабизм ва форсизмлар миқдори эски ўзбек адабий тилига нисбатан қисқариб борди. Энди яна орқага қайтишимиз керакми? Йўқ. Ўзбек тилининг равнақи, унинг софлиги учун кураш, энг аввало, ўзбек тилининг ўз ички имкониятларини ишга солиш асосида бўлмоғи лозим.

Тўртинчи масала ўзбек терминологияси масаласидир. СССРда рус тилидан бошқа тилларнинг тақдирига узоқ вақтлар беписандлик билан қараш оқибатида бу тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг айрим фан соҳаларига доир, айниқса, табиий фанлар соҳасига доир илмий терминологияси яхши ривожланмади.

Айрим фан соҳаларида нарса ва ҳодисаларнинг маҳаллий номлари бўлишига қарамай рус тилидаги илмий адабиётлардан нусха кўчириш асосида сунъий терминлар яратилди. Масалан, **датикадошлар, бересклетдошлар, сальвиндошлар марсилиядошлар, юнкагиндошлар** ва ҳ. («Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи» китобидан). Гап Ўзбекистонда ўсаётган ўсимликлар ҳақида кетса-ю, уни маҳаллий номи билан атамаслик қулгили. Лекин илмий терминларнинг ўзбекча муқобилини топишда жуда ҳушёр бўлиш, уни фақат шу фан соҳаларининг вакилларигина амалга ошириши лозим. Чунки термин маълум фан соҳасига доир ҳодисани аниқ, равшан, содда ва лўнда ифодалаши керак. Бошқа фан соҳаси эса буни тўғри англамаслиги мумкин. Жумладан, айрим муаллифлар **синтаксис** термини ўрнига нутқ илми, **морфология** ўрнига сўз илми терминларини тавсия этадилар. Афсуски, тавсия этилаётган терминлар мавжуд термин ифодалаган маънони қоплай олмайди. У ифодалаган ҳодисага мувофиқ келмайди.

Айрим муаллифлар тилнинг бойлигини ундаги сўзларнинг миқдори билан белгилашга уринмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўзбек тили сўзларини юз мингга етказиш ва уни луғатларда акс эттириш лозимлигини таъкидламоқдалар. Маълум бир луғавий имкониятларини бор бўйи ва эни билан луғатларда тўла акс эттириш жуда фойдали ва зарур иш. Лекин унинг миқдорини сунъий равишда кўпайтиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Тилнинг бойлиги, унинг тараққиёт даражаси ундаги сўзларнинг миқдори билан эмас, балки шу тил эгаси яшаб турган макон ва замондаги тушунчаларни қанчалик аниқ ифодалай олиш имкониятига қараб белгиланади. Инсон ўз ҳаётий тажрибасида, иш жараёнида фарқлаши лозим бўлган нарса ва ҳодисаларгагина алоҳида ном излайди. Масалан, маланезий тилида **банан**нинг, арабларда **туя**нинг юздан ортиқ тури ва ҳар бирининг фарқли номи бор. Лекин ўзбеклар учун уларни фарқлашга амалий зарурат йўқ. Бундай сўзларнинг ўзбек тилида йўқлиги унинг камбағаллигини ҳам кўрсатмайди. Ҳатто бугунги кунда тош даврида яшаётган **оловли ер** тилида ҳам 30 мингдан ортиқ **сўз** бор.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда асосий эътибор атамаларга қаратилгани ҳолда ўзбек тилининг бир қатор муҳим масалалари, хусусан, услубий норма, орфография ва пунктуация муаммолари назардан четда қолмоқда. Матбуотда, ойнаи жаҳонда феълнинг мажҳул шаклини нотўғри қўлланиш (масалан... **Ишонч билан уни қўлланишга (қўллашга!) ҳаракат қилади** («Ёш куч»), имловий ва тиниш белгиларни қўлланишдаги хатоликлар тобора кўпайиб бормоқда.

Саводхонлик юқори маданият белгиси. Бинобарин, саводхонлик учун кураш юксак маданият учун курашдир.

Шунингдек, ўзбек тилини кенг омма ўртасида тарғиб қиладиган илмий-оммабоп китобчалар туркумини нашр этиш, ўзбек тилининг этимологик ва мукаммал изоҳли луғатини яратиш ҳам бугунги куннинг кечиктирилмас вазифаларидан биридир.

А. НУРМОНОВ,
Андижон Давлат педагогика олийгоҳи ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори.

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИГА СОВҒА

НАМАНГАН. (Жамоатчи мухбиримиз О. Жуманазаровдан телефон орқали олинди). Ўрта Осиёнинг ягона уммони — Орол денгизининг йўқолиб бориши ва бунинг оқибатида вужудга келаётган экологик фалокат ҳамда Оролбўйи халқлари бошига тушаётган қийинчиликларга бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бинобарин жумҳуриятимиз, бутун мамлакат бу ҳақда қайғурибгина қолмай, денгиз атрофи ҳудудида яшаётган халққа ёрдам беришга киришди. Кўплар қатори Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли ҳам Оролбўйи аҳолиси қисматини енгиллатишга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзди.

Жамоа хўжалигида пахтачилик билан бирга боғдорчилик ва сабзавотчилик ҳам кенг ривожланган. Бу йил айниқса барча экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Пахтачилик бўйича режалар анча ортиғи билан адо этилди. Хўжалик меҳнат аҳли яқинда Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятидаги экологик фожиадан азоб чекаётган болалар учун 10 тонна сервитамин мева ажратишга қарор қилди. Колхоз касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муталлиб Насриддинов бошчилигидаги Обидхон Муродов, Жамолхон Пўлатовлардан иборат шофёрлар иккита катта юк автомашинасига анор, нок, беҳи ортиб мухтор жумҳурият пойтахти — Нукус шаҳрига элтиб бердилар.

Наманган вилоятидан борган меҳмонларни Нукус жамоатчилиги хурсандчилик билан кутиб олди ва беминнат ёрдам учун миннатдорчилик изҳор қилди. Қимматли совға Қорақалпоғистондаги мавжуд 15 та болалар шифохоналарига тақсимлаб берилди.

БЕНЗИН ВА ТИББИЙ ЁРДАМ

«Тез ёрдам» ва «Тиббий хизмат» автомашиналарига ёнилғи сарфлашда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг сабаблари турлича. Жамоатчи мухбиримизнинг Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазири мутасадди муовини Б. Ҳ. УМУРЗОҚОВ билан суҳбати шу масалага бағишланган.

— **Баҳодир Ҳамидович, тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатувчи автомашиналар учун кунига ўн, айрим жойларда ҳатто беш литрдан бензин сарфлаш белгилаб қўйилган. Устига-устак бу борада камчилик ва тартибсизликларга ҳам йўл қўйилаётганлигини қандай тушунса бўлади?**

— Камчиликлардан кўз юмолмаймиз. Бу ҳақдаги танқидлар ўринли. Аммо юртимиздаги экологик вазиятнинг ночорлиги, муҳитнинг зарарли таъсири оқибатида аҳоли ўртасида касалликлар кўрсаткичи баландлиги, касалхоналарда ўринлар етишмаслигини назарда тутадиган бўлсак, шифокорларнинг иши тобора мураккаблашиб бораётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Аҳолига зудлик билан малакали тиббий ёрдам кўрсатиш кўп жиҳатдан автотранспорт шайлигига боғлиқ. «Тез ёрдам»га тушадиган буюртма ҳажми эса Иттифоқдагига нисбатан 3—4 ҳисса кўп.

Сабабими? Айрим жойларда тиббий автомобиль транспорти воситаларини қишлоқ хўжалиги, ҳарбий комиссариатлар, район партия, совет ташкилотларининг турли тадбирларига жалб қилиш ҳоллари учраб турибди. Қишлоқ жойларидаги участка касалхоналари ҳудудидаги масофалар узоқлиги, йўлларнинг нотекислиги автотранспортдан тўғри фойдаланишга салбий таъсир қилмоқда. Ёнилғини ортиқча сарфлашга, ҳатто унинг етмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Вазирлик ихтиёридаги 490 та автокорхонада 15 мингдан зиёд машина бор. Бу эса, тиббиёт муассасаларининг атиги 74 фоизи автомашина билан таъминланган, демакдир. Тан олиш керак, ёнилғига эҳтиёжни белгилашда, муассасалардан аниқ ҳисоб-китоб асосида буюртма олиш ва тақсимлашда катта хатоликларга йўл қўйилган. Ёнилғи қуйиш станцияларида машиналар маркасига мос бензин бўлмаслиги оқибатида 93-ўрнига 76-, 72-бензинни ҳам қуйиб кетавериш машина двигателларини тезда ишдан чиқаряпти.

Ремонт қилай десак, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети таъминот бирлашмасининг вилоятлардаги бўлимлари ГАИ томонидан берилган тақсимотга қараб эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги талабнинг 12—16 фоизини қондирмоқда, холос.

Шундай бўлса-да, ёнилғи сарфлашдаги камчиликлар олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Бу масала вазирликнинг кенгайтирилган коллегиясида атрофлича муҳокама қилинди. Айбдор шахсларнинг 8 таси ишдан четлаштирилди. Аммо вазирлик қошида автотранспорт бўлими йўқ. Бу иш жумҳуриятимиз тиббий автобазаси зиммасига юклаб қўйилганди. Молия вазирлиги билан шундай бўлим ташкил этиш масаласи ҳал қилинди.

— **Ҳайдовчилардан ҳар уч ой якунига, йил охирларида: «бензин йўқ», «лимит тугабди», деган гапларни эшитамиз. Қашқадарё вилоятида бўлганимизда «Кўкдала» «Тез ёрдам» станцияси ходимларининг фиғони кўкка чиқиб, беморларнинг яқинларига: «бензинингиз бўлса, ҳозир машина юборамиз», деган гапларини эшитдик. Бу қанақаси? Кўпгина ёнилғи қуйиш станцияларидаги турна қатор машиналар орасида «Тиббий хизмат» машиналари ҳам навбат кутиб турганини кўрганмиз. Уларни навбатсиз ёнилғи олиш имкониятига эга қилиш ёки тиббий автокорхоналарнинг ўзида бензин ғамлаб қўйишнинг иложи йўқми?**

— Гапларингизда жон бор. Ўзбекистон Давлат режа комитети томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари учун белгиланган буюртмадаги бензин лимити йил сайин қисқартириляпти. Масалан, 1986 йили буюртмадаги 27,8 минг ўрнига 25,6 минг тонна бензин берилди. Бу йил эса буюртмадаги 41 минг ўрнига 26,6 минг тонна ажратилди. Бу — режали талабномамиз 47—62 фоиз қондирилади, демак.

Йил сайин мавжуд машиналар қаторига 1,6—2,1 минг донадан янгиси келиб турибди. Албатта, аҳолидан, беморлардан бензин сўраш уят. Лекин сиз айтган Қашқадарё вилоятида бензинга бўлган талаб атиги 62 фоиз қондирилган. Буюртмадаги лимит миқдори йилдан-йилга камаяверар экан, ҳар қандай имкониятлар ҳам вазиятни ўнглай олмайди. Бундай пайтда ҳатто «Тез ёрдам»га ёнилғи бўлмай қолиши ҳеч гап эмас. Оқибатда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифат ва самарадорлигига путур етади.

Бензин қуйиш станцияларида тиббий хизмат машиналарига навбатсиз ёнилғи беришни илтимос қилиб бир неча маротаба жумҳуриятимиз Нефть маҳсулотлари давлат комитетига мурожаат этганмиз. Афсус, имтиёз берилмаяпти. Ёнилғини ўзимизда ғамлаб қўйиш масаласига келсак, 30 фоиз автокорхоналаримизда омборларимиз бор. Лекин кўпчилик автокорхоналар бевосита касалхоналар ҳудудида жойлашганлиги сабабли ёнилғи ғамлаб қўйишга рухсат этилмайди. Бу борадаги мушкулотларимиз осон бўлишида Нефть маҳсулотлари давлат комитетидаги мутасаддилардан умидимиз катта.

— **Районлардаги марказий касалхоналар, ҚЭСлар ва бошқа бир қанча муассасаларнинг бош врачлари ҳали у ерга, ҳали бу ерга чақириладиг Бир ҳайдовчи муттасил банд. Уларга бириктирилган машиналарни ўзлари бошқаришлари учун рухсат берилса , ёнилғи, ишчи кучи —80—120 сўм маош оладиган ҳайдовчи тежалармиди?**

— Тўғри таклиф. Кўпчилик маҳкамаларда кўпгина раҳбар ходимлар хизмат машиналарини ўзлари бошқарадилар. Ҳатто 50 фоиз иш ҳақи тўланади. Кўпгина чет мамлакатларда фақат бош врачларгагина эмас, ҳатто оддий врачларга ҳам машина бериб қўйилган. Бизда ҳам бу усулни қўллаш вақти келди.

Шуни ҳам айтиш керак, жумҳуриятимиздаги барча тиббий олий ўқув юртларида шофёрликка ўргатувчи курслар ҳам ташкил этиш жоиз. Шунда ҳамма шифокорлар машина бошқаришни билиб олган бўлишарди. Яқинда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг автобазасида бир гуруҳ ҳайдовчилар билан шартнома тузилди. Машина хизмат муддатини ўтаб бўлгач, ҳайдовчи ўзи бошқарган машинасини арзон нархда сотиб олади. Келаси йилдан бу тадбир бошқа автокорхоналарда ҳам жорий этилади. Қўйингки, ҳайдовчиларнинг моддий имкониятга эга бўлиши йўлларини қидиряпмиз.

Суҳбатни жумҳурият саломатлик маркази матбуот шўъбаси ходими А. ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

• Бизнинг суҳбат

Муштарийлар ёзадилар

ҲУРМАТ БОИСИ

— Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Фақат унга меҳр қўйилса бас, — дейди Ғиждувондаги 33-автокорхона ҳайдовчиси Н. Муродов. — Ана шундагина касбинг қадрланиб, ёгаи нонинг эса тотли бўлади.

Нуриддин аканинг бундай дейишига асоси бор. У қариб 30 йилдан буён юк машинаси рулини моҳирлик билан бошқариб келади. Меҳнатсеварлиги, шогирдларига нисбатан талабчанлиги, ишдаги тежамкорлиги туфайли автокорхонада ҳурмат қозонди.

Манзил лочини Н. Муродов ўз зиммасидаги ойлик плантопшириқларини ҳам муттасил 130—140 фоиздан бажариб келмоқда. Шу йилнинг 9 ойида режадан ташқари 80 тонна турли халқ хўжалиги юкларини ташиб, автокорхона кўчма вимпелини қўлга киритди. Ҳозир моҳир шофёр ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Т. МАҚСУДОВ,
Бухоро вилояти.

ҒИШТНИНГ СИНОВ ТУРКУМИ

Шўрсув посёлкасида йилига 3,5 миллион дона ғишт тайёрлайдиган завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Куни кеча бу ерда синов тариқасида пишган ғиштнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилди. Мутахассислар янги завод маҳсулоти сифатига юқори баҳо бердилар. Шундай қилиб, 2-агроқурилиш трестининг Ўзбекистон районидаги 95-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси ўз ғишт заводига эга бўлди.

Айни кунларда ғишт заводи ёнида йилига 2 миллион квадрат метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқарадиган цех қурилиши бошлаб юборилди. Завод ва цех тўлиқ ишга тушгач, районда қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни анча қондириш имкони туғилади.

З. СУЛТОНОВ.
Фарғона вилояти.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Хатирчи районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигининг Саид Нурмуродов раҳбарлигидаги сут-товар фермаси аъзолари 144 бош соғин сигирнинг ҳар биридан режадаги 2500 килограмм ўрнига 3 минг килограммдан сут соғиб олишга ҳаракат қилишаётир.

Суратда: Саид Нурмуродов чорвадорлар орасида.

Р. АЛИЕВ туширган сурат.

Бугун—БМТ куни

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Г. ҲИДОЯТОВ,
профессор, БМТга кўмаклашувчи Ўзбекистон уюшмаси раиси

Инсоният дунёси доимо муайян бир бутунликдан иборат бўлган. Ундаги қарамақаршилик, турли ижтимоий ва сиёсий системалар, халқлар танлаган йўлнинг бир хил эмаслигига қарамай, жаҳон бир-бирига ўзаро боғлиқдир. Рўй берган барча муаммоларни инсоният бир жон, бир тан бўлиб ҳал этган, инсоният манфаатлари инсоният тарихидаги ҳаётмамот лаҳзаларида доим устунлик қилиб, қирилиб кетиш хавфидан қутқарган. Ер юзасига навбатдаги кулфат — касаллик, табиий офат, жаҳон уруши — ялпи қирилиб кетиш хавфи ёпирилганда ана шундай бўлган.

50 миллион кишининг ёстиғини қуритган, ўн минглаб шаҳарлар ва қишлоқларнинг кулини совурган, ўн миллионлаб кишининг тақдирини мажруҳ этган иккинчи жаҳон уруши инсониятнинг ҳаёт-мамот муаммосини жуда кескин қилиб қўйди. 1945 йилнинг 24 октябрида Миллатлар ташкилотининг тузилиши замоннинг қатъий талаби бўлиб, бутун жаҳон халқларининг ер юзида мангу тинчликни таъминловчи, барчага эркинлик ва равнақни, фуқаролик ҳуқуқлари ҳамда муносиб инсоний яшаш шароитлари кафолатларини берувчи янги тартибни қарор топтириш йўлидаги муштарак муддаосини акс эттирди. Бирон-бир мамлакат ва бирон бир халқ бу муаммоларни ўзи ёлғиз ҳал этолмайди. Инсоният шу боис халқаро ҳамкорликка даъват этди. Ҳозирги замонда барча халқлар бир-бирларига боғлиқ бўлиб, бир хонадонда яшамоқдалар. Фойдаланилаётган ресурслар чекланган, уларни кўз қорачиғидек авайлаш лозим.

БМТнинг тузилиши миллатларнинг халқаро ҳамжамиятини яратиш бошланиши билан нишонланди. Бирлашган Миллатлар Хартиясини 50 мамлакат вакиллари Сан-Франциско шаҳрида 1945 йилнинг 25 апрелидан 26 июнига қадар Хитой, СССР, Англия ва АҚШ вакилларининг таклифлари асосида ишлаб чиқишганди. 1945 йилнинг 26 июнида имзоланган Хартия шу йилнинг 24 октябрида Хитой, Франция, СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳамда бошқа қатнашчиларнинг кўпчилиги томонидан ратификация этилгач, кучга кирди. Ўшандан буён ҳар йили 24 октябрь бутун жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни сифатида нишонланиб келмоқда.

«Биз бирлашган миллатлар халқлари келажак авлодларни уруш кулфатларидан халос этишга азму-қарор берганмиз...». Ташкилот Устави ана шу сўзлар билан бошланади. Бу сўзларда халқаро ҳамжамият тузилишининг асосий мақсади ўз ифодасини топган. 45 йил давомида БМТ ер юзида тинчликни сақлаш ва халқаро кескинликни юмшатишнинг таъсирчан воситаси бўлиб келди. Ҳозир у кўпчилик давлатлар ҳамжиҳатлигининг нодир анжуманига айланган. Сайёрамиздаги 160 мамлакат халқаро ҳамжамият аъзосидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг ҳар йилги сессияси кун тартибида 150 га қадар муҳим масала кўрилмоқда. Сессиялар давомида юзлаб расмий мажлислар ва регионал икки томонлама асосдаги кўплаб норасмий маслаҳатлашув ҳамда учрашувлар ўтказилади. Жаҳоншумул ва регионал аҳамиятга молик жуда хилма-хил масалалар юзасидан 300 га қадар турли резолюциялар қабул этилаётир.

Давлатлар ва миллатларнинг ўзаро ҳурмат принципи ташкилот Уставининг асосий принципидир. Устав ташкилот аъзолари зиммасига тенглик, суверенитет ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлашга асосланган дўстона алоқаларни ривожлантиришни юклайди. Ўзгалар ҳудудлари даҳлсизлиги, ўзгалар ички ишига аралашмаслик эса халқаро мулоқотнинг энг муҳим шартидир. Уставда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг таъсирчан воситаси бўлиб келди. Ҳозир у кўпчилик давлатлар ҳамжиҳатлигининг нодир анжуманига айланган. Сайёрамиздаги 160 мамлакат халқаро ҳамжамият аъзосидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг ҳар йилги сессияси кун тартибида 150 га қадар муҳим масала кўрилмоқда. Сессиялар давомида юзлаб расмий мажлислар ва регионал икки томонлама асосдаги кўплаб норасмий маслаҳатлашув ҳамда учрашувлар ўтказилади. Жаҳоншумул ва регионал аҳамиятга молик жуда хилма-хил масалалар юзасидан 300 га қадар турли резолюциялар қабул этилаётир.

Давлатлар ва миллатларнинг ўзаро ҳурмат принципи ташкилот Уставининг асосий принципидир. Устав ташкилот аъзолари зиммасига тенглик, суверенитет ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлашга асосланган дўстона алоқаларни ривожлантиришни юклайди. Ўзгалар ҳудудлари даҳлсизлиги, ўзгалар ички ишига аралашмаслик эса халқаро мулоқотнинг энг муҳим шартидир. Уставда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш мақсадида барча соҳаларда кенг халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Ер юзида ядро уруши хавфини камайтиришда, бу соҳада бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинишида халқаро ҳамжамиятнинг хизматлари катта. Ҳали бу соҳада олдинда кўпгина ишлар турибди. Ядро уруши хавфининг олдини олишда БМТнинг тарихий роли яққол намоён бўлмоқда, жаҳон сиёсатига бениҳоя улкан таъсир кўрсатаётир. БМТ фаолияти туфайли халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш халқаро ҳамкорликнинг етакчи масалаларидан бирига айланди. Халқаро ҳамжамият 70-йиллар бошларидан буён умуминсоний аҳамиятга молик жаҳоншумул муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал этишга тобора фаол куч-ғайрат сарфламоқда.

Инсон ҳаёти уни инсоний ҳуқуқлар нурафшон этган тақдирдагина тўлақонли бўлади. Халқаро ҳамжамиятнинг ер юзида тинчлик ва хавфсизлик ишига қўшган нодир ҳиссаси инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Унинг ўзаро боғлиқдир. Шу боис БМТнинг йирик ютуқларидан бири — Бош Ассамблея томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари декларацияси бўлганлиги бежиз эмас.

БМТ органларида Декларация Устав билан бир қаторда баббаравар обрўга эгадир. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, конвенцияларда ва шартномаларда доимо унга мурожаат этилади. 1966 йилда Бош Ассамблея иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни, фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни, шунингдек сўнггисига Факультатив протоколни қабул қилди. Агар декларация асосан кўпроқ ахлоқий аҳамиятга молик бўлса, пактлар шартномалар бўлиб, уларни ратификация этган давлатлар учун мажбурий кучга эгадир. Ушбу тўрт ҳужжат биргаликда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро мажмуани ташкил этади. Халқаро ҳамжамият ана шу ҳужжатларни рўёбга чиқаришда чинакамига баҳодирона ишларни амалга оширди. Бутун жаҳонда 10 декабрь Инсон ҳуқуқлари куни сифатида нишонлана бошлади. Бундан мақсад бутун халқаро жамоатчилик диққат-эътиборини сайёрамизда тинчликни қарор топтиришнинг ажралмас қисми бўлган инсон ҳуқуқларига жалб этишдир.

Декларация ҳозир жаҳондаги 80 тилга ўгирилган. Кўпгина мамлакатлар мактабларида ўқувчилар Декларация матнини мажбурий фан сифатида ўрганадилар. БМТ Умумий декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамловчи 50 дан ортиқ халқаро ҳужжатни қабул қилди. Халқаро пактлар ва бошқа конвенцияларга мувофиқ таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ҳамда бошқа органлар ёрдамида БМТ инсон ҳуқуқларига алоқадор нормаларнинг бутун жаҳонда риоя этилишига интилмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича маркази семинарлар ўтказмоқда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мажмуа низомини рўёбга чиқариш мақсадида ҳукуматлар ва ноҳукумат муассасалар учрашувини уюштиришга кўмаклашмоқда. Халқаро ҳамжамият, шунингдек, жаҳон жамоатчилигини инсон ҳуқуқлари тўғрисида бохабар этиш учун умумжаҳон кампаниясини ўтказиб, жамоатчилик онгини уйғотишга ҳаракат қилди.

Совет ҳукумати халқаро ҳамжамиятнинг барча йўналишларидаги фаолиятини кенг қўллаб-қувватламоқда. СССР Президенти М. С. Горбачевнинг 1989 йил 8 декабрда Бош Ассамблеянинг сессиясида сўзлаган нутқи фикримизнинг ёрқин далилидир. Янги совет ташаббуслари БМТнинг халқлар тинчлик ва дўстликда яшаши, ер юзида эркинлик, тенглик ва адолатга асосланган жамиятни қарор топтириш йўлидаги порлоқ идеалларни рўёбга чиқариш учун курашдаги куч-ғайратларига янги омил бахш этди. Совет ҳукумати ва мамлакатимиздаги барча ижтимоий-сиёсий ташкилотлар қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини ишлаб чиқаришни чеклаш, сўнгра уни батамом тўхтатиш, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя этиш ишида халқаро ҳамжамиятга турли халқаро ва миллий, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар.

Хушхабарлар

● КАСАНАЧИЛИК

ЧОРКЕСАР ГИЛАМЛАРИ

Поп районидаги қўй ва эчкичиликка ихтисослаштирилган Чоркесар давлат хўжалигида касаначилик усулида фаолият кўрсатувчи гилам тўқиш цехи ишга туширилди.

Тожикистон ССР Аштноҳиясидаги гилам тўқиш фабрикасида поплик ўн нафар хотин-қиз иш ўрганиб келди. Кейин бир йўла 20 дастгоҳ ишга туширилди. Уйда ўтириб қолган аёллардан 60 нафари иш билан таъминланди. Зебуннисо Абдураҳмонова, Бухалча Чутонова, Манзура Жиянова каби гиламдўзлар шу кунларда харидоргир чўғдек гиламлар тўқимоқдалар.

Ш. ҚУЧҚОРОВ.

● ҚАРДОШЛИК

ЁШЛАР САҲНАСИДА

Марнупалда ўтказилган республика халқ ижодий гуруҳларининг чиқишлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Байрамона тадбирни «Дўстлик» республика Маданий-оқартув маркази, Маданият вазирлиги, «Укрсовпроф» Украина музика жамияти ва маданият фонди ҳамкорликда амалга оширди. Ўзига хос санъат байрамида шунингдек, Украина олийгоҳларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар ҳам чиқишлар қилиб, кўпчиликни мамнун этишди. Жумладан, андижонлик Абдусаттор Абдураҳмонов билан наманганлик Адҳамжон Матмусаевлар ижросида ўзбекча қуй ва тароналар таралди. Даврада эса украин, рус, белорус, грек, татар, румин ва чех миллатига мансуб ёшлар бор эди.

У. ҲАМИДОВ,
Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

● ТАКЛИФ

ЭСДАЛИК ТАНГАЛАРИ ЧИҚАРИЛСА

Меросимизни чуқурроқ ўрганиш, кекса авлод жасоратини анъанага айлантириш, қадриятларимизни улуғлаш мақсадида Иттифоқ миқёсида эсдалик тангалари чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

Келаси йили Алишер Навоий таваллудига 550 йил тўлса, Мавлоно Лутфийнинг 625 йиллик юбилейи нишонланади. 1992 йили эса Нодирабегим 200-баҳорни кўради. Яна икки йилдан кейин Улуғбек таваллудига 600 йил тўлади. Бундай унутилмас саналарни яна давом эттириш мумкин. Агар мана шундай аллома сиймолар шарафига эсдалик тангалари зарб этилса, миллионларнинг кўнглидаги иш бўларди, деб ўйлайман.

Д. САИДОВ.

● *Журналларга обуна бўлдингизми?*

ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ИҚТИСОДДАН...

«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» ойномаси ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Аммо бу нашрлар бири-бирини такрорламайди. Ўзбекча нашри русча нашридагига нисбатан 4-5 баравар зиёд нусхада чиқаётир.

Ойномамиз ҳақиқатга ташна ўқувчиларда катта қизиқиш уйготаётир. Ҳозир муҳарририят мухлислардан журналга қачон ва қаерда обуна бўлиш мумкин, деган саволли хатлар оляпти. Шуни айтиш жоизки «Ҳаёт ва иқтисод» ойномамизга бошқа нашрлар сингари «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида ёзилиш мумкин.

Янги йилдан ойномамизда соф иқтисодий муаммолар билан бирга жаҳон ижтимоий тафаккури хазиналари, маданий меросимиз дурдоналари, шарқ халқлари тарихининг очилмаган саҳифалари, «Қуръон ва иқтисод» рукнида ҳам ўқувчиларимиз учун муносиб мақолалар бериб борилади.

Кейинги вақтда мамлакатда иқтисодий ислоҳот, бозор иқтисодиётига ўтиш борасида бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда. Аммо, бу қарорларнинг кучга кириши учун жойларда вужудга келаётган ташаббуслар ва фойдали таклифларни, ўзаро фойдали шартномалар тузилишини қўллаб-қувватлаш зарур. Ҳозир кишилар ўртасида бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани қимматлаштириб юборади, деган гаплар юрибди. Аслида ундай эмас. Бозор муносабатлари шундайки, ҳамма корхона ва устахоналар, ҳунарманд ва деҳқонлар, боғбонлар ўзлари даромад олиш учун ишлайдилар. Энг муҳими, бозор муносабатлари кучга киргандида маъмурий-буйруқбозлик идоралари барҳам топа бошлайди. Ишлаб чиқарувчилар, ноз-неъмат яратувчилар иқтисодий фикрлашни ўргана бошлайдилар.

«Ҳаёт ва иқтисод» ойномаси худди шу мақсадда ташкил этилган. Унинг саҳифаларида таниқли иқтисодчи олимлар, назариётчи ва амалиётчи мутахассислар халқ хўжалиги ва иқтисодиётини тараққий эттириш учун нималар қилинаётгани ва яна қандай муаммоларни қай йўсинда ҳал этиш тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашадилар. Муҳим маслаҳатлар, таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар. Журналнинг вазифаси, шунингдек, турли хил иқтисодий изланишларни ўз саҳифаларида ёритиб боришдан, халқимизни иқтисод фанида ва амалий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар билан таништиришдан ҳам иборат.

«Ҳаёт ва иқтисод» ойномаси эндигина иш бошлади. Ҳали у ўз зиммасидаги муҳим вазифаларни бажаришга ҳали кириша олганича йўқ. Ойномамизнинг дастлабки сонларида халқимизнинг иқтисодий аҳволи оғирлиги, бизда ҳали том маънода қашшоқ яшаётганлар кўплиги, ижтимоий ҳаётдаги ноҳақликлар ва адолатсизликлар кенгроқ ёритилди ва шу маънода бу сонларнинг саҳифалари керагидан зиёдроқ тушкунроқ руҳда чиқди. Очиғи, уларда ҳаётимизнинг қоронғу томонлари қатлари кўпроқ очилиб, ҳозирги муҳим мавзулар-иқтисодий тангликдан чиқиш учун қилинаётган ишлар, янги иқтисодий изланишлар ҳақида чуқур иқтисодий таҳлил устун бўлган салмоқли мақолалар кам берилди.

Ойнома муҳарририяти келгусида ишимиздаги бу нуқсонларни тугатиб, жумҳурият иқтисодий ҳаётини, ундаги ижобий ўзгаришларни, айни вақтда ҳали ҳал этилмаётган жиддий муаммоларни ёритишга кенгроқ ўрин бериш ниятидадир. Биз ойноманинг халқ севиб ўқийдиган қизиқарли, ёрқин нашр бўлиши учун ҳаракат қиламиз. Унда халқимиз ҳаёти, маданияти, маънавиятининг муҳим муаммоларига ҳам етарли эътибор берилади. Аввалги сонларда эълон қилиниб, халқ ҳурматини қозонган «Иқтисод ва ижтимоий адолат», «Иқтисод ва маънавият», «Жаҳон ижтимоий-иқтисодий тафаккури хазинасидан», «Бозор муаммолари», «Сиз тўй қилмоқчисиз», «Маънавий қашшоқлигимиз илдизлари», «Қуръон ва иқтисод» каби рукнларимизни давом эттирамиз.

Чунончи, ойноманинг кейинги сонларида «Жаҳон ижтимоий-иқтисодий тафаккури хазинасидан» рукнида Фаробий, Умар Хайём, Ғаззолий асарлари билан бирга улуғ сайёҳ Ибн Ҳалдуннинг «Ибрат китоби»дан боблар, «Олам сирлари» рукнида атоқли диний ва жамоат арбоби Зиёвуддин Бобохонов хайрихоҳлигида ёзилган араб файласуфлари Ҳусайн Надим ал-Жисрнинг «Имон-эътиқод» қиссасидан боблар бериб борилади, ҳадисларга шарҳлар давом эттирилади. Ҳозирги иқтисодий ва маданий ҳаёт янгиликлари асосий ўрин эгаллайди. Кўп минг сонли муштарийларимиздан келаётган хатларнинг энг муҳимлари ойнома саҳифаларида бериб борилади.

Хатларингизни кутамиз, азиз муштарийлар!

Исмат ХУШЕВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» журналлари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи.

«САНЪАТ»НИНГ РЕЖАЛАРИ

Жумҳуриятимизда санъат ва маданият масалаларига қизиқиш ёмонмас. «Санъат» журналимизнинг 33—35 минг нусхада чоп этилиши ҳам халқимизнинг санъат ва маданият масалаларига бўлган қизиқиши, маънавий эҳтиёжини кўрсатади. Бу йил гарчи журнал баҳоси 1 сўмга кўтарилган бўлса ҳам ўтган йиллардаги муштарийларимизнинг унга обуна бўлишига ишончимиз комил.

«Обуна—91»

Мамлакатимиз бошдан кечираётган оғир иқтисодий қийинчиликларни маданиятни кўтармай, маънавиятни юксалтирмай енгиб бўлмайди. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги қанчалик тез амалга ошса, халқ ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан келадиган даромадлар халқнинг ўзига қайтариб берилса, халқ уларни нимага ва қандай сарф этишни яхши билади. Бундай мустақилликка эришилгач, давлат миқёсида адабиёт, санъат ва маданият масалаларига ҳам етарли маблағ ажратиш имконияти туғилади. Халқ бойиса, бойлигини ерга кўммаган, аксинча, доимо уни маънавий фаровонлик учун сарф этган.

Биз ана шундай орзулар билан муштарийларимиз маънавияти ғамида «Санъат» журналининг 1991 йилги ижодий режаларини тузмоқдамиз. Рюи Гонзалес де Клавихонинг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги»ни бу йил биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиб, ўқувчиларга етказган эдик. Муштарийлардан келган хат ва хабарлар бизни янада руҳлантирди. Халқимиз тарихи, маданияти, санъати ва адабиётига доир бой ҳазинадан айрим жавоҳирларни бундан кейин ҳам мунтазам бериб борамиз. Фитратнинг «Ўзбек мусиқаси тарихи» рисоласи, «Чин севги» тарихий пьесаси, Чўлпоннинг янги топилган асарларидан намуналар, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал мақдур фи ахбори Тимур» асаридан парчалар, инглиз драматурги Кристофор Марлонинг «Темурланг» асари яратилиши тарихи, А. Навоийнинг янги топилган «Ситтаи зарурия», «Рисолаи мусиқий» асарлари хусусида тадқиқотлар эълон қилинади.

Қатағон этилган ўзбек санъаткорлари ҳаёти ва ижоди ҳам ёритиб борилади. Жумладан, 1937 йили ҳибсга олинган хоразмлик хонанда, бастакор, созанда Сафо Муғанний, ўзбек опера хонандаси Файзулла Норхоновлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Чўлпонни ким сотган?» деган мақола ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйготиши табиийдир.

Журналнинг асосий йўналиши замондошларимизнинг ҳаёти ва маънавиятига қаратилади. Санъат ва маданият муассасаларининг, маданий-маърифий ташкилотларнинг бозор иқтисодиёти билан боғлиқ аҳволи, ўзбек миллий мусиқа, театр, кино ва тасвирий санъати олдида турган муаммолар диққат марказимизда бўлади.

Журналхонлар билан учрашувлар, конференциялар шундан далолат бермоқдаки, ҳали ойнома том маънода ўз муштарийларига етиб бормаган. Ҳаётини санъатсиз тасаввур эта олмаган, санъатнинг бирон бир турига ўзида лаёқат ҳис қилган одамларгина уни излаб топиб, ўқимоқдалар. Журнал материаллари билан бевосита танишиши ва баҳраманд бўлиши лозим бўлган ташкилот ва шахслар эса ундан бебаҳра юрганликлари аён бўлмоқда. Масалан, жумҳуриятимизда Маданият вазирлиги ихтиёрида 16 мингдан кўпроқ кутубхона, тўрт мингдан ортиқ клуб муассасалари, 109 та истироҳат ва маданият боғлари мавжуд, бешта маданий-оқартув техникуми ва маданият институтида 10 мингдан зиёд талаба ўқийди, 14 та мусиқа билим юрти, мингдан ортиқ мусиқа мактаблари, 50 га яқин санъат мактаби бор. Бу ташкилотлар журналга биттадан обуна бўлгандаям обуначилар сони 50 мингдан ошиб кетарди. Касаба уюшмаларига тегишли ҳаваскорлик ва маданият тармоқлари, мактаблардаги мусиқа ва тасвирий санъат ўқитувчилари, 7 мингдан ортиқ мактаб кутубхоналари «Санъат» журналининг муштарийлари бўлиши мумкин эмасми?

Барча олий ўқув юртларида жаҳон ва мамлакатимиз маданияти тарихи мустақил дарс сифатида ўтилмоқда. Бироқ на рус, на ўзбек тилларида дарсликлар яратилган. Ана шуни эътиборга олиб республикамиз йирик олимлари, файласуфлари, санъатшунослари, маданият тарихи ва назарияси бўйича мутахассисларининг жаҳон ва мамлакатимиз тарихига доир мақолаларини ёритиб боришни режалаштирдик. Бу эса талабаларга ўқув қўлланмаси сифатида асқотиши, келажакда яратиладиган ўзбекча дарсликларга асос бўлиши мумкин.

Ўрта Осиёда ягона бўлган «Санъат» журналининг таъсир доираси кенглигини назарда тутиб, келгуси йилдан журналда санъат масалалари қатори маданият муаммоларини ҳам кўтариш, клуб, ҳаваскорлик, кутубхона ва маданий меросимизни янада кенг тарғиб қилиш ниятимиз бор.

Ўз халқининг тарихи, маънавияти, маданий мероси ва шу бугунги эстетик-бадиий мулкига эътиборли бўлган барча кишилар ана шу масалаларни ўз фаолиятининг дастури қилиб олган «Санъат» журналига 1991 йил учун ҳам обуна бўлишни унутмайдилар, деган умиддамиз.

Т. МАҲМУДОВ,
«Санъат» журналининг бош муҳаррири.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

МУШТАРИЙ: МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

НЕВАРАМ ТУЗАЛДИ

Инсоннинг ёши улғайган сари оила тинчлиги, хотиржамлиги ҳақида кўпроқ ташвишланадиган бўлиб қоларкан. Яқинда ҳали бир ёшга тўлмаган неварам — Бобурбек қаттиқ шамоллаб, иситмалай бошлади. Ҳаммамиз саросимага тушиб, унинг соғлиғидан хавотирлана бошладик.

Зудлик билан неварамни Тошкент шаҳридаги 7-шаҳар болалар касалхонасининг ҳаётбахшхонасига жойлаштирдик. Дастлабки кунлари неварамнинг аҳволи тезда ўнгланавермади. Бундан ташвишланиб, бўлим бошлиғи Қодиржон Зуфаров ҳузурига кирдик.

— Хавотир олманг, ҳадемай неварангиз тузалиб кетади, — дея оиламиз аъзоларининг кўнглига далда берди у.

Қодиржон Зуфаров етакчилик қилаётган бўлим тиббиётчиларининг тажрибасию, беморга бўлган меҳри, оқилона муолажалари туфайли неварам соғайиб кетди.

Мели НАЗАРОВ,
Улуғ Ватан урушининг II-гурух ногиронн.

...ТАКЛИФ КИРИТАДИ

ЎЗ НОМИГА ҚЎЙИЛСА...

Кейинги пайтда Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қомитети атамалар комиссияси анча яхши иш қиляпти. Бир неча кўчага ўша жойнинг тарихига кўра тўғри ном берилди. Лекин Тошкент метрополитенининг айрим бекатлари номи ҳамон ўз ўрнига қўйилмаган. Айниқса, «Собир Раҳимов» бекати кўпгина одамларни чалғитмоқда. Негаки, Собир Раҳимов ноҳияси шаҳарнинг бу томонида. Агар бир вақтлар «Собир Раҳимов» деб аталиб келинган темир йўл бекати кўзда тутилган бўлса, у ҳам бутунлай бошқа йўналишда.

Биз биринчи ўзбек генералининг номи қўйилишига қарши эмасмиз, аксинча ҳаммаси ўз ўрнида бўлсин, демоқчимиз.

Йўлдош МАНСУРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

* * *

Шунингдек, редакциямизга А. Умаров, М. Камолхўжаев, Н. Дўстжонова, Ш. Сайдуллаев, М. Ҳакимов, Р. Жуманиёзова, А. Қобилов, Ғ. Абдуллаев, С. Шамсиева, А Аминова, А. Аллаев, Ш Юнусов, Ҳ. Бекбўтаев, М. Улашовлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллаганлар.

ҲИНД ҚУРУВЧИЛАРИ ТУҲФАСИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар ривожланиб бормоқда. Бу дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда Ҳиндистоннинг «ТАТА прожектс лимитед» фирмаси қурувчилари ҳам фаол қатнашишяпти. Улар жумҳуриятимизнинг қадимий Бухоро, Самарқанд ва Тошкент сингари шаҳарларида йирик меҳмонхоналар барпо этишяпти.

Ҳозир Тошкентдаги меҳмонхонанинг жамоатчилик бўлинмаси ва уй-жой блоклари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Қад кўтараётган 14 қаватли бу бинода 300 та биринчи халқаро классдаги хоналар бўлади. Меҳмонлар учун маданий-маиший хизмат комплекслари бўлади, ресторан ва барлар, миллий зал, ҳаммом, бассейнлар ва бошқа барча қулайликлар яратилади.

Меҳмонхонани жиҳозлашда энг замонавий қурилиш материаллари — мармар, гранит, металл ва ёруғликни ўзида акс эттирувчи ҳимоя ойналари ишлатилмоқда. Зал ва хоналар ўзбек ҳамда ҳинд миллий архитектура кўринишлари асосида безатиляпти. Ҳинд дўстларимиз объектни келаси йилнинг ўрталаригача фойдаланишга топширишни мўлжаллаб туришибди.

ЎзТАГ мухбири А. Горокрик олган суратларда: 1. Қурувчи Г. Сингх, бош муҳандис В. Порфирьев, меҳмонхона қурилиши бошқарувчисининг ўринбосари В. Кхандекар, ишчи М. Маджи ва техника назорати муҳандиси Т. Болоболовани кўриб турибсиз. 2. Янги меҳмонхона мана шу кўринишда бўлади. Унинг лойиҳасини «ТАТА» фирмаси ва «ТашЗНИЭП»нинг бир группа мутахассислари ҳамкорликда яратишган.



ҚИЗИҚ ГАПЛАР

ОЗИШ ЙЎЛИ

Шимолий Каролина штати (АҚШ) университетининг биолог олими Шифман семизликни йўқотиш учун «ҳаво» ютиб, курашиш усулини тавсия қилади. Унинг фикрича шоколад, пирожний ёки дудланган гўшт ва барча таниқ таомлар мазасини бера оладиган хушбўй аэрозол билан қаноатланган маъқул. Чунки, аэрозол пуркагичдан бир неча маротаба тилга сепилса, киши худди хушрўй овқат егандек бўладию, лекин организм бир калория ҳам озиқ ололмайди.

МУШУКДА ЭЛЕКТР ҚУВВАТ

Мушук жуни электрга ўта тўйинган бўлиб, уни силагандa қўлдан учқун дасталари учиб чиқишини кузатиш мумкин. Шунга қарамай, бу жонли электр марказининг қуввати жуда паст.

Англиялик олимлар 15 ваттли битта лампочканинг ёнишини таъминлаш учун 150 миллион мушукни баравар силаш кераклигини ҳисоблаб чиқишди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ҚАЙТА ҚАЙД ҚИЛИШ УЧУН
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ТАШҚИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА

Корхона Низоми, тўлдирилган қайд қилиш вараги, чет элга чиқариладиган ва чет элдан олинадиган моллар, хизматлар номенклатурасининг рўйхати, ташқи савдо контрактлари (асли), битимлар ва шартномалар, конкурент варақалари, ҳисобхона ҳисоб-китоблари (кирим-чиқим нисбатлари)ни тақдим этиш, эълон қилинган даромад муҳлатини маълум қилиш, олинган кредитлар ва уларни узиш муҳлатлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, ташқи савдо муомаласи ҳажмини маълум қилиш зарур.

ҲУЖЖАТЛАР — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ МОБАЙНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қайта қайд қилинмаган корхоналар Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Қайд қилиш ва қайта қайд қилиш масалалари юзасидан қуйидаги манзилда жойлашган Ўзбекистон ССЖ Ташқи савдо алоқалари давлат комитетининг комиссиясига мурожаат этилсин: 700017, Тошкент шаҳри, Ленин шоҳ-кўчаси, 15-уй, телефонлар: 34-65-54, 34-61-22.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1990—1991 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига камида 2 йил меҳнат фаолиятига эга бўлган халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаётган ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, алоқа ходимлари, бош пионервожатийлар ва СССР Қуролли Қучлари сафидан хизматни ўтаб қайтганлар, ҳамда саноат корхоналари (завод, комбинат, фирма) қурилиш, идора, алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмасига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларнинг меҳнат фаолияти машғулотлар бошланадиган кунгача ҳисобланади ва у охирги бир йил давомида ўзига йўлланма берган корхона, ташкилот муассасада узлуксиз ишлаган бўлиши керак.

Меҳнат стажи меҳнат дафтарчасидан олинган кўчирма, колхоз аъзоларининг стажи эса колхозчининг меҳнат дафтарчаси асосида аниқланади.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ҳамда она тили ва адабиёти фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига ҳамда уларнинг қошидаги таржимонлик гуруҳларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

1984—85 ўқув йилидан бошлаб институт «Чет тили» ва ўзбек мактаблари учун «Рус тили ва адабиёти»дан мутахассислар тайёрлаяпти. Шу ўқув йилидан бошлаб таржимонлик (чет тили ва рус тили, чет тили ва ўзбек тили) мутахассислигини тайёрлашга киришди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) тавсифнома, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см, катталикдаги 8 та фотосурат.

Паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳужжати ва меҳнат дафтарчаси шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР — 20 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат (чет тили ва она тили ва адабиёти) — **20 октябрдан 25 ноябргача ўтказилади.**

Қабул қилиш — 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади:

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ НОЯБРЬ ОЙИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 ноябрда — ОЛОВЛИ ФАРИШТА.
2 ноябрда — ПИКОВАЯ ДАМА.
3 ноябрда — ФЛОРИЯ ТОСКА.
4 ноябрда — соат 12.00 да ЗОЛУШКА, соат 19.00да РИГОЛЕТТО.
6 ноябрда — ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ.
7 ноябрда — соат 15 да ва 19.00да БАЛЕТ КЕЧАСИ.
8 ноябрда — ТЕАТРНИНГ ЕТАКЧИ СОЛИСТЛАРИ КОНЦЕРТИ.
9 ноябрда — соат 12.00 да КОППЕЛИЯ, соат 19.00да БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ.
10 ноябрда — ЧИО-ЧИО-САН.
11 ноябрда — ОҚҚУШ ҚУЛИ.
13 ноябрда — ЗЕБУННИСО.
14 ноябрда — ДОН КИХОТ.
15 ноябрда — ПИКОВАЯ ДАМА.
16 ноябрда — СПАРТАК.
17 ноябрда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
18 ноябрда — соат 12.00 да ЧИППОЛИНО, соат 19.00 да КАРМЕН.
20 ноябрда — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН.
21 ноябрда — СЕВГИ ТУМОРИ.
22 ноябрда — ТРАВИАТА.
23 ноябрда — КОРСАР.
24 ноябрда — РИГОЛЕТТО.
25 ноябрда — соат 12.00 да ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ, соат 19.00да ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
27 ноябрда — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.
28 ноябрда — ОҚҚУШ ҚУЛИ.
29 ноябрда — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
30 ноябрда — РАЙМОНДА.

Тез кунлар ичида!
Алишер Навоийнинг 550-йиллигига бағишланган. Премьера.

АЛИШЕР НАВОИЙ ОПЕРА

Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечки спектакллар соат 19.00да бошланади. Танаффус соат 15 дан 16.00 гача.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
6, 7, 8, 9 ноябрь соат 16.00 ва 19.30 да
«ҚИЗИҚЧИ—90» кўригининг ғолиби, қулги устаси ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ
ВА
хушовоз хонанда АБДУРАУФ ОЛИМОВ ижросида

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлигининг «ТАШОБЛСТРОЙ» ҲУДУДИЙ ҚУРИЛИШ БИРЛАШМАСИ ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 26 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй

«Ўқитувчи» нашриёти жамоси нашриёт чет тиллар адабиёти муҳарририятининг катта муҳаррири Ф. Юсуповага турмуш ўртоғи

Асатилла ХАЙРУЛЛАЕВнинг

вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 243. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12